

VATANPARVAR




Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.

2020 йил 24 июль, №30 (2885)



4-5

ТАНК БИАТЛОНИ 2020



O'ZBEKISTON



HAFTA ICHIDA

● Президент Шавкат Мирзиёев ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Унда ернинг ҳисобини аниқ юритиш ва самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, қурилиш, геология каби кўплаб соҳалар учун жуда муҳимлиги таъкидланди, тизимни ислоҳ қилиш зарурати айtilди ва бу борадаги муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев кадастр идораларининг энг асосий вазифаси ернинг ҳисоби ва балансини юритиш бўлиши кераклигини қайд этди. Йил якунига қадар ер тури, контури, чегараси ва фойдаланувчиси ҳақидаги маълумотлар жамланган ахборот тизимини ишга тушириш вазифаси қўйилди. Энди ер ажратиш тўғрисидаги қарор мазкур тизимга киритилсагина ҳақиқий ҳисобланади.

Ўза материали асосида тайёрланди.



ШОНЛАРГА МУНОСИБ ЕНГИЛМАС ЖОНЛАР

- 8** ВАТАН ДАРДИ БИЛАН
ЁНГАН МИЛЛАТМИЗ
- 9** «ОНАМ КЕТИБ
БОРАЯПТИ...
ШОЛ РЎМОЛИН
ДОЛ ТАШЛАБ...»
- 15** ИМТИЁЗГА ЭГА
АБИТУРИЕНТЛАР:
САВОЛЛАР ОЧИҚЛАНДИ
- 16** НАФОСАТГА
ЙЎҒРИЛГАН
ЖАСОРАТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Коронавирус пандемияси даврида аҳолини, айниқса, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини таъминлаш, санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб ушбу субъектларни жадал қайта тиклаш, шунингдек, иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) 2020 йил 1 июлдан **2020 йил 31 декабрга қадар**:

умумий овқатланиш корхоналари ва биноларни ижарага беришга ихтисослашган корхоналар айланмадан олинadиган солиқни тўлашдан озод этилади;

жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўлашдан озод этилади;

мол-мулкни (бинолар ва автомобиль транспорти) ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади;

ижарага берувчиларга 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини пасайтириш мақсадида, шу жумладан, тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда ижара тўловини қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин;

б) 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 31 декабрга қадар умумий овқатланиш корхоналари алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни тўлашдан озод қилинади;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон Фармонида белгиланган алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдорини **5 фоиздан 3 фоизга** пасайтиришга доир имтиёз мuddати **2020 йил 31 декабрга қадар** узайтирилади;

г) умумий овқатланиш корхоналарига алкоголь маҳсулотларини етказиб бериш орқали сотиш ҳуқуқи берилади.

2. Умумий овқатланиш корхоналари учун кичик тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаган ҳолда, уларни кичик корхоналар тоифасига киритиш мақсадида 2020 йил 1 июлдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган ходимларнинг йиллик ўртача сони **25 нафардан 50 нафарга** оширилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 июлга қадар умумий овқатланиш корхоналари карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган жойлаштириш, қуриш ва фойдаланиш бўйича вақтинчалик талабларга риоя қилган ҳолда ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларини хабардор қилиш орқали истеъмолчиларга овқатланиш хизматларини кўрсатиш учун ўзларига туташ бўш ер участкаларида энгил конструкцияларни бепул жойлаштириш ва қуриш ҳуқуқига эга.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 июлга қадар карантин чекловларининг бекор қилинишига



қараб тадбиркорлик субъектларига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан шартнома тузмасдан давлат солиқ хизмати органларини савдо мuddати, маҳсулоти ва транспорт тўхташи тақиқланмаган жойларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиш орқали **автодўкон, автомагазин, автотиркама, автоцистерна ва фудтраклар орқали савдо қилиш** ҳуқуқи тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўзининг расмий сайти ва мобил иловалар орқали кўчма савдони бошлаш тўғрисида тўхташи тақиқланмаган жойлар қабул қилишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки кун мuddатда умумий овқатланиш корхоналарида истеъмолчиларга овқатланиш ёки ҳордиқ чиқариш хизматларини кўрсатиш учун энгил конструкцияларни жойлаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича вақтинчалик талабларни тасдиқласин;

2021 йил 1 январга қадар халқаро тажрибадан келиб чиқиб, умумий овқатланиш корхоналарининг мавсумий кафедалари ишлаши, шунингдек, кўчма савдони амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

6. Белгилансинки, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда, солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш мuddатларини беш кундан кўп бўлмаган мuddатга кечиктирилганлик учун жарима солинмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5996-сон Фармонида белгиланган қуйидаги солиқ имтиёзлари ва преференциялари **2020 йил 31 декабрга қадар** узайтирилсин:

а) **мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилиш** бўйича берилган имтиёзлар:

кичик тадбиркорлик субъектлари; бозорлар ва савдо комплекслари,

кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун;

б) **ижтимоий солиқ ставкасини 12 фоиздан 1 фоизга пасайтириш** бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзлар (акцизоти маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно);

в) божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган мuddат давомида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шarti билан, товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган **божхона бож** ва **акциз солиғини тўлаш мuddатини кечиктириш** тақдим этиш;

г) микрофирма ва кичик корхоналарда **2020 йил 15 май ҳолатига** солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича **мавжуд бўлган қарздорлиқни ундиришни тўхтатиш**.

Белгилансинки, умумий овқатланиш корхоналари ижтимоий солиқнинг пасайтирилган ставкасини ишчиларнинг сонидан қатъи назар қўллайди.

8. Ваколатли органлар аудиторлар, риэлторлар, баҳоловчилар, актуарийлар, аптека ва уларнинг филиаллари мудирлари, туристик ташкилотларнинг ишчилари ва гидлар (экскурсоводлар), хорижий тилларга ўқитувчиларнинг 2020 йил 1 мартда тугайдиган малакавий сертификатлари мuddатини навбатдаги малакавий имтиҳонларни ўтказиш санасига қадар узайтирсин.

9. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондига, «Саховат ва кўмак» фондига, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига, шу жумладан, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига беғараз ёрдам бериш (беғараз ёрдам олиш) қисмида фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинadиган солиқ ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиши **2020 йил 31 декабрга қадар** узайтирилсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, шунингдек, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича оналарга бериладиган нафақалар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблашда жами даромадга киритилмайди.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 20 июль

ИНТЕРВЬЮ

” Суҳбатдош – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Тўлқин Каримов. Мавзу – юртимиз мудофаа ва хавфсизлик тизимида амалга оширилаётган қонун ижодкорлиги ва миллий армиямиз ривож.

– Дастан сўнгги йилларда мудофаа ва хавфсизлик тизимида қабул қилинган қонунлар ҳақида маълумот берсангиз.

– Тинч яшаш бу ҳар бир фуқаронинг муқаддас ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Уни ҳар қандай воситалар билан амалга ошириш ва қафолатлаш давлатнинг энг устувор вазифаларидандир. Таъкидлаш лозимки, Конституцияда мудофаа, хавфсизлик, Қуролли Кучларнинг мақсад ва вазифалари белгилаб қўйилган. Унга кўра, Ўзбекистон давлат суверенитети, чегаралари дахлсизлиги, четдан бўладиган ҳар қандай хавф-хатарлардан ҳимояланиш учун ўз Қуролли Кучларини ташкил этиш, ривожлантириш, таъминлаш ҳуқуқига эга. 2018 йил 9 январда янги таҳрирда қабул қилинган Мудофаа доктринаси бу борада энг муҳим ҳужжатдир. Унда мамлакатимизнинг мудофаа соҳасидаги сиёсати, Қуролли Кучлар вазифалари, ҳарбий-иқтисодий таъминот асослари, ҳарбий-саноат мажмуаси ривожланишининг истиқболли йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, янги қонун Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиклиги, яқин кўшнилари билан мустақам алоқаларнинг устуворлигини кўрсатади. Унга кўра, мамлакат мудофаа сиёсати шаффоф, хорижий давлатлар билан хавфсизлик ва мудофаа соҳасида самарали муносабатлар амалга оширилади.

– Айтинг-чи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинишига нима сабаб бўлди?

– Олдинги низом бундан анча йиллар аввал қабул қилинган бўлиб, уни бугунги замон муҳитига мослаштириш, қолаверса, тизимда йиғилиб қолган баъзи муаммоларга ечим бўла оладиган янги таҳрирдаги низомни тасдиқлаш зарурати туғилган эди. Ривожланган хорижий давлат амалиётини ўрганиш, тўпланган ҳаётини тажрибадан келиб чиқиб, мазкур низом аввалгисидан деярли 80 фоизга ўзгартирилди. Янги таҳрирдаги низомда кўшн турларини ёш, шижоатли, ватанпарвар, салоҳиятли ёшлар билан бутлаш, контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш шартлари, ҳарбий хизматни ўташ жараёни, ҳарбий хизматчининг ижтимоий ҳимояси ва ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш тартиби каби кўплаб масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

«Умумий қондалар» бобида ҳарбий хизматга алоқадор 14 та асосий тушунчани қамраб олган атамалар аппарати шакллантирилди. Шунингдек, 15-бандда мuddатли ҳарбий хизматни ўташ давомийлиги маълум

ТИНЧ ЯШАШ ҲУҚУҚИ ҲАММАГА БЕРИЛГАН...

мотидан қатъи назар календарь ҳисобда 12 ой (ўн икки ой, бир йил) этиб белгиланди. Яъни аввал олий маълумотга эга фуқаролар 9 ой мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган бўлса, энди ҳамма учун бир хил 12 ойлик тартиб жорий қилинди.

Низомнинг «Ҳарбий унвонлар» бобида муҳим ўзгаришлардан яна бири сифатида сержантлар таркибига 1, 2, 3-даражали сержант унвонларини бериш тартиби ва уларнинг мuddатлари жорий этилди. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг фарзандлари таълими, тиббий хизмат, ҳарбий хизматчиларнинг таътиллари, умуман, барча масалаларда қулайликлар яратилди. Буларнинг барчаси Қуролли Кучларнинг янада ривож учун хизмат қилади.

– Шу ўринда сиздан Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти ҳақида сўрамоқчидим. Уларга қандай баҳо берасиз?

– Ҳар қандай хизмат жойида, ташкилотда муваффақиятни таъминловчи омил биринчи навбатда бу – мутахассис. Ўз соҳасини мукамал эгаллаган, ўзи яшаётган давр талабларига тўла жавоб бера оладиган кадрни назарда тутяпман. Самарали иш тизими, юқори технологияларни ҳар қанча жорий этманг, улардан тўғри фойдалана олиш лаёқатига эга ходим бўлмаса, ҳеч қандай наф йўқ. Шунинг учун ҳам Қуролли Кучларда малакали мутахассисларни тайёрлаш асосий йўналишлардан биридир.

Мулоҳазаларимни биргина Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси мисолида давом эттирмақчиман. Бир асрлик тарихга эга мазкур олий ҳарбий таълим муассасасининг 3 йил олдинги ҳолати билан ҳозиргиси ўртасида фарқ жуда катта. 2017 йили амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг маънан эскирган ўқув ва машғулот хоналари ўрнини халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув бинолари, назарий ва амалий машғулот хоналари, махсус тренажёрлар, спорт заллари, маиший хизмат кўрсатиш бинолари эгаллади.

Биргина 2019 йилнинг ўзиде билим юртида ўқув-моддий базани ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган. 2 та ўқув биноси, 1 та беш қаватли курсантлар ётоқхонаси, сузиш ҳавзаси қурилди. 9 та ўқув-машқ мажмуаси ва 8 та тренажёр фойдаланишга топширилди,



22 та махсус синфлар жиҳозланди. 400 га яқин мультимедиа воситалари ва компьютер техникаси қабул қилинди. Янги ўқув биноси, ётоқхона, штаб биноси, 250 кишига мўлжалланган катта анжуманлар зали фойдаланишга топширилди. Буларнинг барчаси миллий армияни замон талаблари асосида ривожлантирадиган офицерларни тайёрлашда муҳим роль ўйнайди. Бу натижаларда ҳам акс этмоқда. Жумладан, 2019 йили Қуролли Кучлар академиясида илмий салоҳият 19 фоиздан 50 фоизга, таянч докторантурага квоталар сони 9 тадан 15 тага ошган.

Бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг Қарши шаҳрига кўчирилиши ва Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти бўлиб мутлақо замонавий стандартлар асосида янгидан ташкил этилиши, Мудофаа вазирлиги Ахборот коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг янги бинода фаолият бошлагани юқоридаги фикрларнинг яққол исботидир. Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида эса капитал таъмирлаш ва модернизация жараёнлари давом этмоқда. Буларнинг барчаси эртанги кунда ёш, истиқболли ҳарбий мутахассисларни етиштириш имконини беради.

Мудофаа тизимида амалга оширилаётган кўламдор ислохотлар, эътиборга жавобан ҳар бир ҳарбий хизматчи мамлакатимиз тинчлиги ва барқарор тараққиётининг мустақам кафолати ҳисобланган миллий армиямизнинг ривож, халқимизнинг осуда ва фаровон ҳаёти учун сидқидилдан хизмат қилишига ишонамиз.

– Мазмунли суҳбат учун ташаккур.

Бобур ЭСОНОВ суҳбатлашди.

«АРМИ – 2020» ОЛДИДАН

ЭНИЮ БҮЙИГА ЎСГАН МАҲОРАТ

“ Улуғвор ниятлар, покиза тилаклар Ватан дарди йўлидадир. Ватангина муқаддас, Ватангина бетакрор, Ватангина бебадал. Алпомишлару Мангубердиларни элда азиз қилган, дostonларда куйлатган ҳам шу муқаддас Ватан, шу қадим эл дардидир. Ватан эл билан Ватандир. Эл Ватан билан элдир. Элнинг шонини кўтаришга ҳамisha Алпомишлар керак. Буюклик ҳам, буюкликка интилиш ҳам эл деган мардлар туфайли бунёд топади.



Гапимизни бежиз она Ватан, унинг шаъни ва қадр-қиммати билан бошламадик. Боиси қуйида шу тупрокни муқаддас билиб, унинг шонини кўкларга кўтариб юрган мардлар ҳақида ўқийсиз.

Танк биатлони...

«Youtube», «Telegram» каналлари, умуман, интернет уммонига шўнғиб, юқори хатбошидаги иборани «қидирув» пунктига шунчаки киритсангиз бас. Қоракўз ўзбеклардан иборат танкчиларимизнинг доврўғи кўнглингизда ғурур уйғотади.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан иборат Ўзбекистон жамоаси Халқаро армия ўйинларининг «Танк биатлони» мусобақасида ўтган йили илк бор иштирок этди. Мусобақа шартига кўра, вакилларимиз янги жамоа бўлганлиги учун иккинчи дивизионда ҳаракат олиб борди. Ўша унутилмас лаҳзаларни ўз кўзи билан кўрган, олам-олам



таассурот олган, ватандошларимиз муваффақиятлари ҳақида юртимиз оммавий ахборот воситаларига пешма-пеш ахборот узатиб турган ҳарбий журналист сифатида шуни айтаманки, йигитларимиз «АрМИ – 2019»нинг чинакам кашфиёти бўлди. Буни баҳсларни тўғридан-тўғри кузатиб борган дунёнинг 40 га яқин

Улар бу йил ҳам «Омон ёр»га ўйнайдими?




давлатларидан ташриф буюрган мутахассислар ва ҳакамлар ҳам бот-бот такрорлашди.

Ҳа, ўша мусобақада Ўзбекистон илк бор иштирок этаётганига қарамай, ўз дивизионида фахрли 1-ўринни шараф билан қўлга киритди. Бунинг замирида қанчадан-қанча меҳнат, заҳмат ётганини фақат ғолиблик ҳис-





Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодини сканер қилинг.



сини юрагидан ўтказиб, Ватан байроғини кўкларга кўтарган, ёруғ юзини севинч кўз ёшлари ювган, завқи келиб, «Омон ёр»у «Андижон полка»сига рақс тушган ўша қорақўз йигитларимиз билади. Ғалаба эса бутун Ўзбекистонники! Унда жамики ўзбек оналарининг, оталарининг, азиз сингилларнинг, укажонларнинг, танкчиларимизни интиқ кутган вафодор янгиларнинг ҳаққи бор.

Йигитларимиз ҳозирда замон талабларига тўла жавоб берадиган Марказий ҳарбий округга қарашли «Фориш» тоғ дала-ўқув майдонида «АрМИ – 2020» мусобақасининг «Танк биатлони» баҳсларида иштирок этиш учун жиддий тайёргарлик олиб бормоқда. Бу йилги мусобақа вакилларимиз учун ўтган йилгидан-да жиддий бўлиши турган гап. Чунки жорий йилда жамоамиз биринчи дивизионда иштирок этади.

Белгиланган вақт ичида тўсиқлардан талафотсиз ўтиш,



нишонларни йўқ қилиш, танкни моҳирлик билан бошқариш ва биринчи бўлиш кўникмаси мураббийлар штаби томонидан жамоамиз вакиллариغا чуқур сингдирилмоқда.

Жамоа ўтган вақт ичида ҳар жиҳатдан улғайди. Таркибни, улар олиб бораётган тайёргарлигу ҳаракатларини кузатсангиз, маҳорат ва матонат эни ва бўйига ўсганини сезасиз. Таниш чеҳралардан кўзинг қувнайди. Подполковник Давлетов, майор Маҳаммадиев, ана майор Ҳошимов ва майор Йўлдошев, ҳазилкаш сержант Турдалиев доимгидек самимий табассуми билан...

Барчамиз бу таркибни жорий йилги мусобақанинг шоҳсупасида кўришни истаймиз.

Олға, Ўзбекистон!



Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Исломжон ҚўЧҚОРОВ, «Vatanparvar»

МАРДИ МАЙДОНЛАР



Тошкент ҳарбий округининг «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида мажмуавий махсус тактик машқлар йўлагигаги тўсиқларни енгиб ўтиш бўйича назорат синов машғулоти ўтказилди.

ШОНЛАРГА МУНОСИБ ЕНГИЛМАС ЖОНЛАР



Ҳарбий хизматчиларнинг индивидуал ва касбий тайёргарлик даражасини чуқур ўрганиш, билим ва кўникмаларини ошириш, бўлинмалар сафида хизмат ўташ лаёқати, ахлоқий-руҳий сифатларини баҳолаш мақсадида ташкил этилган машғулотларда юрт посбонлари 26 та тўсиқдан иборат, узунлиги 15 километрлик махсус тўсиқлар йўлагига машқлар бажарди.

Реал жанг ҳолатига яқинлаштирилган ҳолда ўтказилган матонат машқларида юрт ўғлонларининг ҳар қандай оғир шароитларда қўйилган жанговар вазифани бажаришда жисмоний, руҳий чидамлилиги синовдан ўтказилди.

«Старт» командаси берилгандан сўнг 1 км масофага ўзига бириктирилган қурол-аслаҳа ва газниқоб билан белгиланган йўналиш бўйича юрган ҳарбий хизматчилар баландлиги 60 сантиметрлик симтўсиқ остидан анжомлари билан ер бағирлаб, тирсагида судралиб ўтди. Бу вақтда уларга руҳий таъсир ўтказиш мақсадида йўриқчи томонидан ўқотар қуролдан тинимсиз ўқ узиб турилди. Шунга қарамай, симтўсиқ чегараларидан чиқиб кетмаслик, анжом ва аслаҳаларни тушириб қолдирмасликка алоҳида эътибор қаратилди.



Симтўр исканжасини енган ўғлонлар баланд тўсиқ устига чиқди ва пастдаги ботқоқликдан кечиб ўтди. Сўнг баландлиги 6 метр бўлган тўрли девор устидан қўл ва оёқ кучига таяниб, ошиб ўтдилар. Кейинги босқичда сув устида қия ўрнатилган ёғоч устунлар узра сакраб ўтилди. Бунда сувга тушмаслик учун ҳар бир устунга оёқ қўйилиши шарт.

Мунтазам айланувчи шинали тўсиқ устидан ўтиш ҳам Ватан ҳимоячиларидан эпчиллик, куч ва иродани талаб этди. Улар ушбу бешта тўсиқни енгиб ўтгач, 1 км масофага югуриб, кейинги манзилда қўл жанги бўйича йўриқчи билан яккама-якка 3 дақиқа давомида мурасис кураш олиб бордилар.

Узунлиги 30 метрлик канализация қувурига тушиб, эгилган ҳолда ҳаракатланиш чоғида ҳарбий хизматчиларга йўриқчилар тутундан фойдаланган ҳолда руҳий таъсир ўтказиб турди. Синов топширувчилар баландлиги 3 метрлик «Альпинист тўсиғи»нинг иккита девори ҳамда баландлиги 6 метрлик, занжирлар орқали бир-бирига бириктирилган шиналар тўридан иборат динамик деворлардан ошиб ўтиб, оловли ярим ҳалқалар остида ҳаракатланди.

15 метрлик ботқоқ тўсиғининг юқори қисми симли тўр билан беркитилиб, руҳий таъсир кўрсатиш учун овозкучайтиргичдан фойдаланилди. Бузилган йўлак, қувурли кўприқдан ўтиш, қўл мушаклари учун куч машқлари ҳам ўзига хос мураккабликка эга. Айниқса, руҳий текширувга мўлжалланган қоронги бино ичида қисқа муддатда эшикни топиб чиқиш, бу жараёнда йўриқчиларнинг имитацион воситалар, ўқотар қуроллар ва товушли босим берувчи ускуналари тинчликка қалқон йигитларнинг метин иродасини икки қарра тоблади.

Навбатдаги босқичда ҳарбий хизматчилар нарвон орқали юқорига кўтарилиб, параллель



тортилган пўлат арқон ўртасидан ўтиш ва тебранувчи шиналар қуршовидан чиқиш маҳоратини намойиш этди. Улар поғонама-поғона тебранма кўприк, тебранма нарвон, ёғочли деворлар, коммуникация қувуридан мувозанатни сақлаган ҳолда ўтиш, арқон ёрдамида кўтарилиш ва тушиш, бузилган уй, «W» шаклидаги тўсиқлар, 10 километрга югуриш, пичоқ улоқтиришда мерганлик ва чапдастлигини исботлади.

Мухтасар айтганда, ушбу синов машқлари енгимас ботирларимизнинг юрт шаънини кўтариш, шонга муносиб бўлишга ундайди.



Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

«БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ СОАТИ» УЧУН УСЛУБИЙ ЁРДАМ

Абдулла Қодирий (1894 – 1938)


Ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Абдулла Қодирий (Жулқунбой) 1894 йил 4 октябрда Тошкент шаҳрида туғилди. Унинг таржимаи ҳолидаги куйидаги сўзлар ёзувчининг 1926 йилга қадар кечган ҳаётига ойдинлик киритади: «Ҳар ҳолда бемавридроқ бўлса керак, камбағал, боғбонлик билан кун кечиргучи бир оилада... туғилгонман. Ёшим тўққиз-ўнларга боргондан сўнг мени мактабга юбордилар. Мак-

1918 йил бошларида Эски шаҳар озиқ комитети бойлар қўлидан олиниб, комитетнинг раислиғига ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев тайин қилинган эди ва мен мазкур комитетнинг ўзбекча саркотиблиғига кирдим. 1919 йилнинг аввалларида озиқ комитетининг исмидан чиқарилмоқчи бўлган «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир бўлиб тайинландим... Шу кунгача шўро идораларида қилган хизматларимни бирма-бир санаб



табда икки-уч йил чамаси эски усулда ўқиб, кейинги вақтларда оиламизнинг ниҳоятда қашшоқ кун кечиргани ваҳидан ўн икки ёшимда мени бир бойга хизматчиликка бердилар. Хўжайиним ўзи савдогар киши бўлуб, ўрисча ёзув-чизув билатурғон одамга муҳтож эди. Шу таъма бўлса керак, мени ўрис мактабига юборди... 1912 йилда манфактур билан савдо қилувчи бир кишига йилига 50 сўм баробарига приказчик бўлуб кирдим... Шу миёнларда бозор воситаси билан татарлардан чиқадиғон газеталарни ўқиб, дунёда газета деган гап борлиғига имон келтирдим, 1913 йилда ўзбекча «Садои Туркистон», «Самарқанд», «Оина» газеталари чиқа бошлағоч, менда шуларга гап ёзиб юриш фикри уйғонди... 1913 йилда чиққан «Падаркуш» таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим (1915 йилда). Яна шу йилда театрларда чиқиб турғон ҳикоя ва рўмонларга тақлидан «Жувонбоз» отлиқ ҳикоячани ёзиб, ношир топилмоғинидан, ўзим нашр қилиб юбордим. Николай тахтдан йиқилгондан кейин оддий халқ милициясига кўнгилли бўлиб ёзилдим...

ўлтиришим узоққа чўзиладурғон бўлғонлиқдин мундан кейин мусасаса исмларинигина аташ билан кифояланаман: «Русто» деворий газетасига мухбир бўлиб, «Иштирокиюн» ва «Қизил байроқ» газеталарида сотрудник... «Муштум» журналининг муаниси ва таҳрири аъзоси бўлиб,



то 1924 йилгача меҳнаткашлар манфаатига холис ишлаб келдим. Шу ўтган етти йил орасида Шўролар ҳукумати ва фирқадан бир оғиз танбех олмадим. Хулоса – бошқаларнинг хизмати дафтар билан собит бўлса, менинг

хизматларим матбуот билан равшандир... Ишчи-деҳқонлар ёзгон асарларимни суюниб ўқийдилар ва мени ёзувчилар қаторига киргаздилар ва мени ҳамон ўқирлар ва унутмаслар...»

Адибнинг илк ижоди 1913-1914 йилларда бошланган бўлиб, дастлаб у шоир сифатида қалам тебратган. Унинг «Аҳволимиз», «Миллатимга», «Тўй», «Фикра й л а ф и л» (1914-1915) каби шеърлари «Садои Туркистон» газетаси ва «Оина» журналида босилган. А. Қодирий шу шеърларида миллатдошларини жаҳолат ва хурофотга қарши курашга чақириб, маърифатпарвар шоир сифатида майдонга чиққан. Бу йилларда у «Бахтсиз куёв»

(1915), «Ҳеч ким билмасин» каби сахна асарларини ҳам ёзган. Унинг «Жувонбоз» (1915), «Улоқда» (1916) каби ҳикояларида ўз халқини саводли, билимли, маданиятли ва озод кўриш истаги сезилиб туради.

Адиб дастлабки асарларини турли тахаллуслар остида эълон қилган. Шу тахаллуслардан бири ва халқ ўртасида машҳур бўлгани Жулқунбойдир.

1924 йили Абдулла Қодирий Москвага бориб, Журналистлар институтига таҳсил олди. Москвадан қайтиб, «Муштум» журналида штатсиз мухбир бўлиб ишлаб бошлади. Унинг «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ва «Қалвак маҳзумнинг хотира дафтаридан» туркумидаги ҳажвий ҳикоялари илк бор шу журналда босилди.

Абдулла Қодирий 1917-1918 йиллардан бошлаб «Ўткан кунлар» романи учун материал йиғишга киришди. 1922 йилда биринчи ўзбек романининг дастлабки боблари «Инқилоб» журналида чоп этила бошланди. 1925-1926 йилларда «Ўткан кунлар» уч бўлим ҳолида китоб бўлиб нашр этилди.

1928 йил ёзувчининг иккинчи тарихий романи «Меҳробдан чаён» нашрдан чиқди.

1934 йилга келиб, Абдулла Қодирий қишлоқ хўжалиги мавзусига бағишланган «Обид кетмон» қиссасини яратди. Бундан ташқари, у Гоголнинг «Уйланиш» комедияси ва Ғарб ёзувчиларининг сатирик ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилади.

Абдулла Қодирий «Амир

*Биз ҳақиқатни ҳаётдан олдик.
Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин,
сўнгра бошқани! Зеро, «ўзини билмаган,
ўзгани билмас» сўзи турмуш онасининг
дард чекиб тукқан тўнғич ўғлидир.*

Умархоннинг канизи», «Намоз ўғри», «Даҳшат» каби романлар яратиш орзусида бўлган. Аммо мустабид тузум ёзувчининг бу орзулари тўла рўёбга чиқишига имкон бермади.

Қодирий 1926 йилда «Муштум»да босилган «Йиғинди гаплар» мақоласи туфайли қисқа муддат ҳибсга олинган. 1937 йилнинг 31 декабрида эса «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отилган.

Адибнинг асарлари 1956 йилдан бошлаб янгидан нашр этила бошланди. 1990 йилда Президент фармони билан А. Қодирий номидаги Республика Давлат мукофоти таъсис этилди. 1991 йилда Қодирийга Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди. 1994 йил «Мустақиллик» ордени берилди.

Ҳозирги кунда эса бир қатор кўчалар, боғлар, мактаблар, кутубхона ва институтлар ёзувчининг табаррук номи билан аталади.

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ВАТАН ДАРДИ БИЛАН ЁНГАН МИЛЛАТМИЗ



**ЖАЛОЛИДДИН
МАНГУБЕРДИ**

Жалолiddин Мангубердининг тилларда дoston бўлган жасорати, ўзига хос жанг тактикаси, мислсиз қахрамонликлари афсонага айланган. У сўнги хоразмшоҳ ҳукмдор султон Аловуддин Муҳаммад ва унинг туркман хотини Ойчеканиннг тўнғич ўғли, 1198 йилда таваллуд топган.

ИЛГИЗ ДАРЁСИ БЎЙИДАГИ ЖАНГ

Ушбу жанг ҳозирги Қозоғистоннинг Тўрғай вилоятидаги Илгиз дарёси бўйида содир бўлган. Хоразмшоҳнинг 60 минг лашкарли кўшини мўғулларнинг Жўжихон, Субутой баҳодир, Тохучар нўён бошчилигидаги 20 минглик кўшини билан тўқнашади. Мўғуллар Чингизхон буйруғига кўра, меркит қабиласини тор-мор қилиб орқага қайтмоқчи бўлганда



Хоразмшоҳ кўшинига дуч келади. Мўғуллар дастлаб жанг қилишдан воз кечади. Аммо Муҳаммад Хоразмшоҳ билан ўчакшиб, жангга киришга мажбур бўлади.

Муслмон кўшинларининг ўнг қанотида Жалолiddин Мангуберди бош бўлган. Унинг жасорати туфайли Хоразмшоҳ кўшини мағлубиятдан қутулиб қолади. Жангдан сўнг қоронғи тунда мўғуллар шошилини сурьатда чекинади. Мўғулларнинг жангдаги жасорати Хоразмшоҳга қаттиқ таъсир қилади. Бу кейинчалик улар билан очик майдонда урушишдан қочишга ва салтанатнинг ҳалокатига сабабчи бўлади.

НИСО ЖАНГИ

Жалолiddин уч юз содик туркман йигитларидан иборат кўшин тўплаб, Хуросонга йўл олади. Нисо атрофида улар етти юз кишилик мўғул кўшинини қарши олиб, осонликча енгади. Ушбу арзимас ғалаба Хуросон аҳолисини мўғул истилочиларига қарши курашишга ғайратлантиради. Натижада Чингизхон ўз кўшинини Хоразм ва Хуросонга йўллайди. Жалолiddиннинг кичик укалари кўшини билан юзлашиб, уларни аёвсиз тор-мор этади. Жалолiddин васият қилиб қолдирилган ери томон йўл оларкан, Марв ноибни Хон Малик ҳамда унинг лашкари ва туркман хони Сайфиддин билан иттифоқдош тутинади. Қандаҳор яқинида бирлашган кўшин мўғулларни йўқ қилади ва Жалолiddин Ғазнагача етиб боради. Ғазнага келиб, ўн минг кишилик кўшин тўплаб, Қандаҳорни қамал қилган мўғулларга қарши юриб, босқинчиларни тор-мор этади. Бўлинган хоразмлик лашкарларнинг ҳарбий кўмондонлари ўз ҳукмдорларининг муваффақияти ҳақида эшитиб, Ғазнага тўплана бошлайди ва тез орада Жалолiddин қўл остида 70 мингга яқин аскар йиғилади.



бошчилигида Парвонадаги мўғул лашкарларининг тор-мор этилиши Чингизхоннинг Ғарбга юриши чоғида Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда олиб борган ҳарбий ҳаракатлари давомидаги ягона йирик мағлубияти бўлган. Бу

изини йўқотиб қўяди. Жалолiddин 1224 йилнинг бошигача Ҳиндистонда яшайди. 1225 йил Жалолiddин жанубдан Шимолий Европага бостириб киради. Жиддий қаршиликсиз Марағани эгаллаб, Табризга юзланади ва шаҳарни забт этади. Қисқа вақт ичида Жалолiddин ҳукмдорлигини Гарни, Барда, Шамкир ва Арраннинг бошқа шаҳарлари тан олади.

Жалолiddин Мангубердининг ҳар куни, ҳар они босқинчиларга қарши жангу жадалларда ўтади. Оиласидан, яқинларидан айрилади. 1230 йил Ироқдаги Хилот қалъаси забт этилгач, Хоразмшоҳ Месопотамия ва Кичик Осиё ҳукмдорларининг иттифоқи натижасидаги ҳужумда мағлубиятга учрайди. Жалолiddин кўшинига якуний зарбани Чармағон бошчилигидаги мўғулларнинг Угедей лашкари етказди. Жалолiddин жангга оғир жароҳатланиб, Курдистон тоғларига яширинишга ҳаракат қилади. Уша ерда қароқчилар ҳужуми пайтида ҳалок бўлади.

Жалолiddин Мангуберди жасорати асрлар давомида эртагу қисса, дostonларга битилган, кўшиқларда куйланган. 1999 йили мамлакатимизда Жалолiddин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистонда унга атаб бир нечта ҳайкаллар ўрнатилган. Хоразм вилоятида миллий қахрамонга атаб мемориал мажмуа қурилган.

2000 йилнинг 30 август куни «Жалолiddин Мангуберди» ордени таъсис этилди. Улуғ аждодимиз Жалолiddин Мангуберди сиймоси буюк ва барҳаётдир.

ПАРВОНАДАГИ ЖАНГ

Баҳорда Жалолiddиннинг кўшини Ғори дарёсидаги Валиан қишлоғида Шики Хутухунинг етакчи лашкарига дуч келади. Мўғул кўшини деярли бутунлай яқсон этилади, бор-йўғи юзта аскар жон сақлаб қолади. Жалолiddин босқинчиларни мағлуб этганидан сўнг дара томон йўл олиб, у ерда душманларидан янги жанг кутади. Шики Хутуху ўзининг бор кўшинини шу ерга йўналтиради. Икки кўшин ҳайбатли қоялар орасидаги тошлоқ дарада учрашади. Дара отлиқ лашкарлар учун ноқулай бўлиб, икки томон ҳам ҳаракатдан тийинишга мажбур эди.

Жалолiddин Темур Маликка пиёда камончилар билан олдинга силжишларини буюради. Хоразмликлар ёвнинг кучсиз томонини аниқлаган ҳолда қояларга кўтарилди ва мўғулларга тепадан ёй отишни бошлайди. Шундай қилиб, бу жангга ҳам мўғуллар кўшинига жиддий талафот етказилади.

Кўплаб тарихчиларнинг эътирофига кўра, Жалолiddин

жангга Жалолiddинга нафақат жангчилари, балки аҳолиси ҳам уни одил ҳукмдор ўрнида кўриб катта мадад кўрсатган.

«ОТА ЎҒИЛ МАНА ШУНДАЙ БЎЛИШИ ЛОЗИМ!»

Парвонадаги катта мағлубиятдан сўнг Чингизхон бор кучи билан Жалолiddинга қарши юриш қилади. Ҳал қилувчи жанг 1221 йилнинг декабрида Синд дарёси бўйида бўлиб ўтади. Ушбу жангга ҳам Жалолiddин янги жанг тактикасини қўллаб, босқинчиларнинг минглаб аскарларини ҳалок қилади. Аммо саркардалари орасидаги парокандалик сабаб, кўшини тор-мор этилади. Ўзи асир тушмаслик учун тулпори билан Синд дарёсига сакрайди.

Тарихчиларнинг битикларига кўра, Чингизхон ёш султоннинг жасоратига тан бериб, ўғилларига «Ота ўғил мана шундай бўлиши лозим!» деган экан.

Чингизхон Жалолiddинни таъкиб этиш учун Бало ноён ва Бурбон исмли туман бегилар бошчилигидаги лашкарни юборади. Бироқ Мултан шаҳрига етиб боргач, мўғуллар султон



**Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»**

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

“ Оламда мўъжиза бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Китоб эса ана шу мўъжизаларнинг энг гўзали, энг асилдир. Донолар унга етарлича таъриф тавсиф берганлар. Мен улардан ўтказиб ҳеч нарса айта олмайман.

Китоб менинг учун ҳаётим эҳтиёж. Емак, ичмак, кийинмакка эҳтиёжим бўлгани каби китобга ҳам эҳтиёжим бор.

...Одатдаги кунларнинг бирида кечки пайт янгиликларни кўрмоқчи бўлдим. Негадир телевизорда одамнинг юз қисми ярим кўрина бошлади. Ўғлимни чақирдим: «Уёқ-бўёғига қара, бузилганми, дейман, одамни яримта-юримта кўрсатаяпти, ёзувларнинг ўртаси йўқ...» Ўғлим бир менга, бир телевизорга ҳайрон бўлиб боқди: «Ойижон, чарчабсиз шекилли, телевизор бинойидек кўрсатаяпти...»

Ғалати бўлиб кетдим. Шоша-пиша кўзойнакларимнинг ҳаммасини бир-бир тақиб қарай бошладим. Ўша-ўша... Музлаб қолдим. Кўриш қобилиятимни йўқотяпманми, деган даҳшатли савол пайдо бўлди. Ва... наҳотки, энди китоб ўқий олмасам, деган ўйдан кўриб кетдим. Ҳа, китоб ўқий олмаслик даҳшатдир, мен учун.

Кайфиятим яхши бўлганида ҳам, юрагимга қил сиғмаган пайтларда ҳам, айрилиқлар, қайғудан қалбим тилка-пора бўлганида ҳам кўлимга китоб олгим келган. Китоб туйғулар сайқалчиси, қалбнинг малҳами, ҳузуридир.

Шу кунларда, таним бир оз дард чекиб, юрагимдаги соғинч ҳислари кўзларимдан тошай-тошай деганида Ҳалима Худойбердиеванинг танланган асарларини яна кўлимга олдим. Китобни силаб-сийпалаб, дуч келган саҳифасини очдим. Ва... кўзим шу жонбахш сатрларга тушди:

Онам кетиб бораёпти шол рўмолин дол ташлаб,

Тўрт-беш тенгқурлари билан қўлларидан тугуни.

.....
*Бошларида улғу кўёш сочаркан шан нурини –
Бир қувончли, бир армонли ҳисдан дилим порадири.*

Оналар-чи, дунё унут, «сен»лашиб бир-бирини,

Чақчақлашиб ён қишлоққа тўйга кетиб борадири.

Онам кетиб бораёпти... шол рўмолин дол ташлаб...

Оналар ҳақида ёзмаган ижодкор бўлмаса керак. Ҳаммаси ўзига хос, қимматли, қадрли. Аммо Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг ёзганлари барибир бошқача-да!

Ўқиймиз:

*Бизлар ҳам тўхтатиб пойгани, отни
Уни авайлайлик бир ғанимат он.
Бор умрини бизга бахш этган зотни,
Бир лаҳза севмоққа топайлик имкон.
Бир лаҳза «чоп-чоп»у «қув»-«қув»дан бўшаб,*

*Эрк берайлик беҳол, шавк, оҳимизга.
Бир лаҳза яшайлик фарзандга ўхшаб,
Онамизни олиб паноҳимизга.*

Шоирлар шеърларига ўз туйғуларини жойлайдилар, ўз кечинмаларини қоғозга туширадилар. Шеър яралганидан сўнг ҳамма унда ўз дарду тўғёнларини кўра бошлайди. Оналар ҳақидаги шеърлар ҳам шунақа. Бу шеърларни ўқийтганда шоирнинг онаси хаёлингиздан ўтмайди. Сиз ўз онангиз билан юзма-юз қоласиз...

*Озгин-озгин бармоқлари,
Ҳорғин-ҳорғин бормоқлари.
У кўрпача солган сўри –
Тенги йўқ тахтга ўхшайди.
Йўқ тама, озори унинг,
Куйишлари дори унинг,
Бу дунёда бори унинг –
Байрамга, бахтга ўхшайди.*

«ОНАМ КЕТИБ БОРАЯПТИ... ШОЛ РЎМОЛИН ДОЛ ТАШЛАБ...»



Ҳалима Худойбердиеванинг ОНАга бағишланган шеърлари... «Онам хотирасига» деб номланган шеърнинг тепасига «Онам Қаршигул Хонназар қизи хотирасига» деб ёзилган. Аммо мен бу шеърни ўқийтганимда Қаршигул момо эмас, ўз онам ҳақида ўйлай бошлайман:

*Отам қурган ўша ҳовли, ўша уйлар,
Сиз кетгач, сўнг ўх-хў-ў... ёмон хувиллади.
Ўйчан шотут. Мўлтираган кўзи-қўйлар,
Хомуш Сизни излагандай туюлади.
Ўчоқ-тандир бари Сизни эсга солар,
Эслатади хазонрезги, барг уюми.*

Таниш манзаралар, шундай эмасми?! Ахир онангиздан кейин... Буни онаси оламдан ўтганлар яхшироқ билади. Хувиллаган боғлар, барқ уриб ётган райҳонлар ҳам ғариблашиб қолгандек...

«Онам ёди» деган яна бир шеър... У ҳам меники! Нималар деяпман, шеър эмас, ундаги она – менинг онам. Эшитиб кўринг-а:

*Болалигим. Авжи саратон.
Дала. Тоғу тошлар куймақда.
Онам ишга отланади тонг,
Ранги ўнгиб кетган кўйлақда.
Эшитаман товушларини,
Борар жаннат малакларидай,
Тупроқ тўла қовушлари-ю,
Ранги унган кўйлақларида...*

Ҳа, унинг ОНАлари шундай. «Тупроқ тўла қовушлар»и билан қалбнингизни забт этади, сизни мум каби эритади. Беихтиёр китобни бағрингизга босасиз, меҳр, ҳарорат илинжида...



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-коднинг сканер қилинг.



«Олдимдан оққан сув»-чи?! Бу менинг ё сизнинг ҳам армонингиз эмасми?!

Олдимдан оққан сув, бекадр сувим

Умрида бир яйраб ёзилмаганим.

Бор туриши шафқат, бори сир сувим

То қуриб қолгунча сезилмаганим.

Бошқаларга чопдим шаҳар, кентда мен –

Бир қайтариб ё бир кесатмадингиз.

«Менам ғаниматман, менам кетаман», –

Деб нечун бир бора эслатмадингиз?

Онам, онам-а?!..

Армон деганлари инсонни барибир ғафлатда қолдирар экан. Ўзингни ҳарчанд оқласанг-да, кўнглининг бир чеккасида «ўша муҳим иш онанг дийдоридан ҳам афзалми?» деган савол чиқиб келаверади.

Онажоним, излаб ёшим бир жойга етди,

Аммо Сиздан келадиган исни топмадим,

деб ёзган эди шоир.

2019 йилда нашр қилинган «Танланган асарлар»да шоирнинг турли йилларда чиққан ўн олти номдаги китоби киритилган. Бу китобларнинг айримлари жимитдеккина бўлса ҳам уларнинг дунё юзини кўриши адабиётимизда алоҳида воқеа бўлган. Мен бу китобдан фақат ОНА ҳақидаги шеърларга бироз тўхталдим. Шунда ҳам уларнинг ҳаммаси ҳақида оддийгина маълумот ҳам бера олганим йўқ. Мен шоир ижодини беҳад севаман. Севганимдан сизга-да илингим келди.

Бугун мамлакатимиз бир мураккаб даврни бошидан кечирипти. Кўпларимиз узоқдаги ота-оналаримиз ҳолидан тузукроқ хабар ололганимиз йўқ. Аммо телефон деган беиннат дастуримиз унча-мунча бу борадаги камчиликларимизни билдирмайди. Шу сўзларни ўқийтган лаҳзаларда телефонингизни олиб, «Волидам», «Онам», «Онагинам», «Онажоним», «Аям», «Энам», «Бувим», деб ёзилган қатор тугмачасини босиб, мушфиқангиз қалбини шод этсангиз эди... Буни менинг ҳам қалбим сезар, ёришгандан ёришиб кетарди.

Азиз ўқувчи, Ҳалима Худойбердиеванинг «Танланган асарлар»и оилангиз учун энг қимматли ҳада бўлишга арзийди. Мен сўзимни шоирнинг «Ватан байроғи» шеърини қуйидаги сатрлар билан якунлайман ва ишонманки, ушбу сатрлардан сўнг сиз бу китобни албатта, кидириб топасиз:

То бу байроқ, Ватан, нурлар

Ич-ичингга кетсин кириб.

Токи ғаним ватанхўрлар

Ололмасинлар сўғуриб.

Шундай ўргат қулни, хонни,

Учмас қуш ҳам учар бўлсин.

То байроқдан олдин жонни

Бермоқ осон кечар бўлсин.



Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

Мамлакатимиз ёшларини юксак маънавиятли, маданиятли, комил инсонлар этиб шакллантиришда миллий ва умумбашарий қадриятлар, халқимизнинг бой мероси, мусиқа санъатининг тарбиявий имкониятларидан оқилона фойдаланиш узлуксиз таълим тизими олдида турган долзарб масалалардан биридир. Ушбу машаққатли вазифани ҳал этишни давлатимиз ва халқимиз таълим тизимидаги мусиқа санъати мутахассисларига ишониб топширган.



БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС – ЭРТАМИЗ ЭҒАЛАРИ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

(биринчи мақола)

Давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта ташаббуснинг биринчиси «ёшларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади» деб номланади.

Мусиқанинг тарихи узоқ. Унинг вазифалари ҳам турлича бўлиб, ҳар хил даврларда мақсадли ўзгариб турган. Мусиқа бир замонларда никоҳни эълон қилиш рамзи бўлиб хизмат қилган бўлса, бошқа бир замонда урушлар даракчиси бўлган – у қонли жанг бошланишидан дарак берган. Аммо кейинчалик у инсонларни тарбия қилувчи, қалбларга сокинлик улашувчи воситага айланди. У орқали қалб ҳислари баён қилинди. Мусиқа ва қўшиқнинг ҳатто вайронкор шакллари ҳам мавжудки, уларни фарқламастик ёт иллатларга хизмат қилишга сабаб бўлиши мумкин. Юртимизда қўшиқчиликнинг, мусиқа санъатининг энг нозик турлари ривожланган. Биргина мақом ва бахшичилик, дostonчилик ва термалар дунё аҳлига ўрناк бўларли санъатдир. Лекин уларни, авваламбор, ўз Ватанимизда – халқимиз орасида кенгроқ тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам мазкур ташаббус бўйича ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этишга оид дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилиш ишлари бошлаб юборилди. Унга мувофиқ, 2019-2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшни маданият ва санъат соҳасига жалб этиш бўйича ҳудудий «йўл харита»ларини тасдиқлаш кўзда тутилган. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида қўшимча синфлар, маданият марказларида чолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўғрисидаги, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамблларининг ташкил этилиши назарда тутилган.

Шунингдек, янгидан қуриладиган, реконструкция ва капитал таъмирланадиган ҳамда жиҳозланадиган маданият марказлари ҳам мазкур вазифалардан ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари дастур лойиҳасида тадбирларни амалга ошириш механизмлари етарли эмаслиги, ҳар бир шаҳар ва туманга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилган соҳа намоёндаларининг амалий вазифалари аниқ белгиланмаганлигини алоҳида таъкидлади. Афсуски, ҳозирга қадар ташкил этилган мусиқа, рассомчилик, адабиёт ва бошқа санъат йўналишларидаги тўғрақлар ўз самарасини бермаётганига урғу берилди.

Бу борада ҳудудий «йўл харита»лари ижросини тизимли ташкил этиш, тўғрақ ва синфларга қамраб олинган болаларни рағбатлантириш, жумладан, турли танловлар ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Белгиланган қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари, шунингдек, маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларини зарур чолғу асбоблари билан таъминлаш учун маблағ ажратиш бўйича тегишли вазирлик раҳбарларига топшириқлар берилди.

Айниқса, мамлакатимиздаги 800 дан ортиқ маданият марказлари, 312 та мусиқа ва санъат мактабига атиги 130 минг нафар ўғил-қизнинг қамраб олингани, мазкур муассасаларнинг аксарияти ўқув қўлланмалари, ноталар тўплами, мусиқа асбоблари, мебель ва жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Эндиликда туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўғрақ ташкил этиш вазифаси қўйилди. Албатта, мазкур тўғрақлар номигагина эмас, уни реал ташкил этиш ва унинг ижроси жиддий назоратга олиниши зарурлиги аҳамиятлидир. Жойларда ташаббускор истеъдодли ёшлар ва



маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда, маданият марказларида бадий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва «Ёшлар клублари» ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди. Бу эса республикамизнинг энг чекка ҳудудларигача етиб бориши назарда тутилмоқда.

Ёшлар ўртасида ўтказилган тадбирларда атоқли олим, ёзувчи ва бошқа санъат соҳаси вакилларининг иштирок этишлари самарали натижа бераётгани ва бу каби усуллари янада кенгайтириш зарурлигини ёшларнинг кайфияти, санъат, адабиёт, мусиқага қизиқиши ортаётганида кўриш мумкин. Шундай бўлса-да, атоқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорларни туманлардаги маданий ишларга кўмакчи сифатида бириктириш яхши натижа бераётгани инobatга олиниб, бу тажрибани бутун республикага ёйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ана шу мақсадда Тошкент вилоятида ушбу ишларни ташкил этиш жараёни бошланди. Унга мувофиқ, таниқли артистлар туман ва шаҳарларга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилиб, ўша жойларда маданият ва санъатни ривожлантиришга масъул бўлади, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эса ушбу ишларга моддий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам бериши зарур.

Шунинг билан бирга, мусиқа ва

санъат соҳасида олий маълумотли кадрларни кўпайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Ҳар бир ҳудудда мазкур соҳанинг етук ва малакали мутахассисларнинг етишмаслиги йўналишнинг энг катта муаммосидир. Бу масалани бартараф этиш учун мавжуд муаммо йиллар давомида жойларда ўрганилмаган, унинг ечимига қаратилган бирор амалий хатти-ҳаракат қилинмаган. Шундай экан, ҳар бир вилоятдаги олий таълим муассасаларида ушбу йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлаш эҳтиёжи мавжуд.

Ёшларнинг тарих музейлари, тарихий обидалар, қадамжо ва театрларга ташрифи кам кузатилаётгани ёки айрим ҳудудларда ёшлар бу имкониятлардан батамом узоқ экани ҳеч кимга сир эмас. Шу каби ҳолатлар эътиборга олиниб, тегишли мутасаддиларга юртимиздаги барча ёшларни буюк тарихимиздан хабардор қилиш мақсадида табарруқ қадамжолар ва тарихий жойларга зиёратлар уюштириш, ажодларимиз илмий меросини англаш орқали уларда бу зотларга нисбатан ижобий тақлидни шакллантириш, азалий қадриятларимизга ҳурматни кучайтириш вазифаси юклатилди.


**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси**

МАРДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУДИР

УЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

1916 йилда Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида туғилган Мусин Акбаров меҳнаткашлиги, оғир-босиқ, билимдонлиги билан қишлоқда ҳурмат қозонади. У боғ яратишни яхши кўрарди. Шунинг учун ҳар йили баҳор фаслида қишлоқда қаерда бўш ер бўлса, кўчат ўтқазарди. Ободонлаштириш ишларида ҳам доим фаоллар сафида эди. Улғайгач, ота-онасининг дуосини олиб ҳарбий хизматга йўл олди. Хизматни намунали ўтаб қайтганидан сўнг ўқишга кирди. Аммо уруш унинг олтин даврига хотима ясади: барча навқирон тенгдошлари қатори у ҳам фронтга отланди. Ушанда Мусин йигирма беш ёшда эди.

Мерганлик сир-синаотини яхши ўзлаштирган Мусин Акбаров жуда кўп жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди, бир кўлидан айрилди, урушда кўрсатган жасорати туфайли «Олтин Юлдуз» ордени, бир қанча медаллар ва фахрий



ёрлиқлар билан тақдирланади.

Қаҳрамонимиз урушдан келиб, Тиллахон билан турмуш қуриб, бахтли ҳаёт кечирдилар. Кейинчалик олий ўқув юртида ўқишини ҳам давом эттирди. Тиллахон фарзанд тарбияси билан банд бўлди, Мусин Акбаров эса ўқишдан кейин Марғилон шаҳар ипак-йигирув корхонасида муҳандислик қилди. Улар етти фарзандни тарбиялаб камолга етказдилар. Шундай бахтли кунларнинг бирида Мусин Акбаровнинг вужудида уруш қолдирган асоратлар сезила бошлади. Чунки бир галги жангларда сувда туриб вазиятни назорат

қилиш топшириғи унга юклатилганди. Ана ўшанда унинг ўпқасини совуқ урган эди. Касаллик йиллар давомида ўз кучини кўрсатди. Оқибатда Мусин Акбаров 1967 йил 51 ёшида вафот этди.

Рўзгорнинг бор ташиви Тиллахон аянинг бошига тушди. Шундай бўлса-да, ўзини йўқотмади. Ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратиб, болаларини вояга етказди. Дала ишлари дейсизми, пилла боқими, ҳаммасига улгурган онахон ҳозир 101 ёшда. Элликка яқин набира, ўттиздан ортиқ чевара кўрган кайвонини қишлоқ ҳурмат қилиб, дуосини олишга интилади.

Тиллахон ая Акбарова қишлоқ болаларига уруш даври ҳақида ҳаётий ҳикоялар айтиб беради. Гарчи у замонлар эртадек туюлган бўлса-да, тинчликни асраш йўлида ҳаммаша сергак бўлишимиз кераклигини уқтиради. Ҳа, икки асрни кўрган онахоннинг бошидан нималар ўтмади, дейсиз. Қишлоқда эркаклар кам, ҳамма оғир ишлар аёллар зиммасида бўлган. Аммо ҳеч қачон нолишмаган.

Бугун онахоннинг кўзлариға боқар эканман, уруш қолдирган азобли хотиралар, ачиқ аламлар, эзгин хаёллар борлигини ҳис қиламан. Лекин ая буни сездирмай, рутубатли йиллар қайта келмаслигини дуоларида сўрайди.

Шоҳсанам НИШОНОВА

ГУРУР


Дунёда юртлар кўп. Кимдир ўз юртининг пурвиқор тоғлари билан, кимдир денгиз тинимсиз ювиб турадиган соҳиллари билан, кимдир сайроқи қушларга тўла ўрмонлари билан ғурурланади. Қўйинги, ҳар бир элнинг ўз юрти ўзи учун азиз.

Лекин ўзга миллат вакиллари сенинг учун тотли бўлган тилда, сен учун тенгсиз бўлган Ватанингни юксакларга кўтариб навобах этса, юрагинг титраб, кўзинг намланаркан. Кўксинг чексиз ғурурга, сен учун энг яқин, энг ҳаяжонли, шабнамдай соф туйғуларга лиммо-лим тўларкан. Бу туйғулар Ватаниннинг чексиз лолақизгалдоқзорлари бўйлаб қўл ушлашиб югураётган жуфтликнинг, узокдаги отаси остона ҳатлаб дийдорлашиш учун кириб келганида пешвоз югургайдиган фарзанднинг, ўғил илк бога маош олиб, икки дона нон кўтариб дарвоза хатлаганда кўзига ёш келадиغان онанинг туйғуларига муштарак. Зотан, бундай муҳташам ғурур айнан улўғ бир миллатнинг армонлари, орзу-умидлари, минг йилларда ҳам букилмаган ва ҳеч қачон букилмамай иродаси, эртанги кунга бўлган ишончи ва ниҳоят, мана шу олтин тупроққа бўлган чексиз севгисининг сўз билан таърифлаб бўлмас ифодасидир. Бу туйғулар қалбдан тилга кўчиб қўшиққа айланади. Ватанингни улўғлардан улўғлигини мадҳ этишга, бир фарзанд сифатида унга таъзим этишга ундайди. Тун, бу – эртақ, тун – дoston.

Тун, бу – дийдор, тун – хижрон! Шундай тупларнинг бирида уйнинг деразасидан майин, инсоннинг вужуд-вужудини қамраб олгучи ҳазин бир кўшиқ сезиб, бутун оламни қамраб олади:

– Алла, болам, жоним болам, ухлаб қолгин, алла...

Боғдаги райхонлар юзини си-



лаб, атрини олиб қочишга ишқибоз шаббода ҳам кўшиқ оҳангидан сармат бўлиб секин тинади. Боғнинг четидан ўтган ариқнинг тошдан тошга урилиб чиқарган шарқироғи ҳам қайгадир ғойиб бўлади.

– Севганимдан ёлғизгина ёдгоримсан, аллаё...

Қўшиқдан сеҳрланган ой деразанинг ҳарир пардаси ортидан юзининг ярми билан мўралайди. Оҳиста тебранаётган бешиқда ётган жажжигина гўдақнинг ойдек юзи ойдинлашади. Бешиқнинг ёнида тиз чўкиб, бор меҳрини, орзу-умидларини қўшиққа солаётган мўъжиза зотнинг қўллари бешиқнинг бир оз очилиб қолган ёпинчиғини тортади. Бундан хижолат бўлган ой дарҳол юзига булутдан парда тортади. Она эса эртақлардагидек ипак шойилар билан безатилган бешиқни оҳиста тебратади. Тебратаверади. Дунё ҳам унга

УЛУҒ МИЛЛАТ,
УЛУҒ ЮРТ

кўшилиб тебранади, гўё. Шу тахлит янги эртақ бошланади. Осмондан учар гиламига миниб кенжа ботир тушиб келади. Қўшиқоғ тоғларидаги девни маҳв этиб, жондан азиз Ватанини, элини, маликасини, бешиқдаги болажонини асраб қолиш учун жанг қилган ботир ёрини кучади. Не-не эртақларнинг мўъжизакор

маконисан, Ватаним!

Юртлар олис, дунё кенг. Келини ва набираларини олиб, олис юртга кетган фарзанддан хабар келади:

«Она, тандирдан иссиқ узилган патир нонингизни, унинг димоқни ёрадиган ҳовурини соғиндим. Қани энди қайтадан бола бўлиб қолсам! Сиз узиб саватга соландиган кулчани бесабрилик билан олиб, қўлларимни куйдирсам. У қўлимдан бу қўлимга олиб, булоқ томон чопсам. Сувга оқиқоқ қилиб, биллурдай шаффоф сув бўйлаб югуриб, янада тотли бўлиб кетган кулчамни тутиб олиб есам она! Бу юртларда тандир йўқ. Тупроғи ҳам қумоқ, илашиммас».

Онанинг қистови билан эртасигаёқ ота фарзандларни ёнига олиб тилладай тупроқдан лой қориб, тандир тепади. Гумбазга қўндирилган тандир мўъжизакор юртнинг ўзгача офтобидан обдан тобланади.

Уч-тўрт кун ўтгач, пишган тандир ўз тахтидан кўтариб олинади. Лекин уни олис юртга қандай етказса бўларкан? Ота бунинг ҳам йўлини топади. Тандирни авайлаб арралайди. Икки бўлакни устма-уст тахлаб, картон қутига жойлайди. Бўлақлар синиб кетмаслиги учун пўқаклар билан ўради. Орасини юртнинг тупроғи билан шиббалайди. Учоқ орқали етиб борган ўзбекнинг мўъжизакор тандири қуёш кўрмас ўлкадаги мўъжизагина ҳовлида унинг учун кўтарилган тахтда ястанди. Келин хамир қорийди. Эр бир қадам наридаги ўрмондан бирпасда ўтин териб келади. Тандирдан оловнинг тилларанг «тиллари» буралиб-буралиб чиқади. Ён атрофдаги тилбилмас қўшнилари қизиқсиниб йиғилиб келади. Оқарган тандирнинг қип-қизил чўғининг усти ёпилади. Тандирнинг оплоқ осмонига тўлин ой каби нонлар муаллақ ўрнашганида ўзга элнинг вакиллари «оҳ» деб юборади:

– Мўъжиза-ку бу!

Бирпасда тандирдан четлари буралган, юзи лов-лов патирлар узилганида эри йигит уни юз-кўзларига суртади. Ой патирни кўриб, қуёш кўрмаган чехраларга ҳам қизиллик югуради. Бир бурдасидан табиб, бундай тотли неъматни умрида татимаганини тан олади.

Дунёларда ўхшаши йўқ тандиримсан, Ватаним!

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ
Сирдарё вилояти

ШОНЛИ ЎТМИШ

«Табобат ва унинг тармоқлари тўғрисида билими бўлмаган, қонунларидан тушунчаси йўқ ва ўзида у ҳақда тасаввури ҳам бўлмаган кишилар хусусан, озгина ўрганиб олиш билан уни ўзиники қилиб олганлар. Натижада бу фанда яхши чиниқмаган кишилар тўрға чиқиб олиб, шайхлик, яъни олимликни даъво қила бошлаган».

Бу сўзлар Абу Али ибн Синога тегишли бўлиб, бизгача етиб келган рисолаларидан бири «Уржуза», яъни шеърый усулда битилган тиб ҳақидаги асарининг кириш қисмида ёзилган.

Ибн Синодан тавсия

ИНСОН БАДАНИГА ЕТИШГАН ЗАРАРЛАРНИ ЙЎҚОТИШ



«Уржуза» маълум бир шахсга бағишланган асар бўлиб, Ибн Сино «балад мартабали вазир»нинг исмини очикламай, «жаноб Саййидимиз», дейди ва унинг ҳаққига дуо қилиб, шундай ёзади: «У уржузага фаҳми билан қараса ва уни илм хазиналарига киритса, бу кичик ҳажмли асар туфайли катта илмга эришишга ёрдам олади ва ким уста, ким телбалигини, ким бошланғич маълумотда-ю, ким етук эканлигини, ким ҳақиқатчи-ю, ким ёлғончилигини ажратиб олади».

Улуғ алломанинг бундай хулосага келишига табиий сабаблар бўлган. Унинг мураккаб ҳаёти, баҳс-мунозараларга бой кечмиши, тиб, фалсафа, руҳоният, астрономия, риёзиёт каби муҳим фанлар муаммоларини ечишга қаратилган асарлари фикримизга асос бўлади. Ибн Синонинг «Инсон баданига етишган турли зарарларни йўқотиш» рисоласи ҳақида ёзаётганимизга унинг бошқа бир асаридан парчалар беришдан мақсад, ушбуни ўқиётганларни буюк аллома асарларига яқинлаштириш, у зотининг ростгўйлиги ва заррача ёлгонга ҳам мурасасиз эканлигини англатишдан ўзга нарса эмас.

Демак, давом этамиз, «Инсон баданига етишган турли зарарларни йўқотиш» рисоласининг учинчи ва кейинги мақолалари нималар ҳақида ва уларда нима дейилган?

ҲАММОМ ТЎҒРИСИДА

Ҳаммом ҳақидаги бобни Ибн Сино аниқ гаплар билан бошлайди. Яъни ҳаммомнинг ҳавоси жуда иссиқ ҳам бўлмасин, тер қийинлик билан чиқадиган совуқ ҳам бўлмасин, тафсилоти билан айтсак, у уч хонадан иборат бўлмоғи лозим, дейди. Бу мақолада ҳавоси мўътадил бўлмаган ҳаммомнинг зарарлари ва уларнинг тадориги, ҳаммомда тузли, аччиқтошли, темирли сувлардан фойдаланиш, уқалаш ва ишқаш, унинг ҳаддан ошиб кетиши, ҳаммомдан олдинги ва кейинги ҳаракатлар, унда кўп қолиш, таом устига ҳаммомга тушиш каби ҳолатларда юзага келадиган хатолар

ва инсон баданига етган шикастларни бартараф этиш чоралари содда тилда батафсил баён этилган.

Масалан, ҳаммомда бўза ёки совуқ сув каби ичимликларни истеъмол қилиш жуда хатарлидир, дейди аллома. Яъни бу нарсалар бадан тешиклари очилиб турган ва йўллар бўшашиб говаклашганлигидан жигар ва қалбга ҳужум қилади ва иккаласини ҳам қаттиқ совутиб юборади. Бу ҳолат ички аъзоларнинг барчасини заифлаштириб, истиско касаллигига замин тайёрлайди. Унинг давоси ҳаммомдан сўнг бир неча доривор гиёҳ ва мевалардан тайёрланган мушк ёки лакк ёки куркум дориларидан бир қўлтум ичиш лозим. Карамда бу касалликни зарарсизлантириш хосияти бор, қора андиз, шунингдек, сабзи ва эрман шароблари ҳам хавфни бартараф этади, дейди буюк табиб.

ТАОМ ТЎҒРИСИДА

Кўп таом ейиш жавҳарда ортиқча бўлган овқатдан фойдаланишни камайтиради, етилмаган хилтни кўпайтиради, майда тешикчаларда тикилмалар пайдо қилади, табиий қувватларни сусайтиради, иситмалар, турли сасишлар, рабу, никриси ва бўгин оғриқларини пайдо қилади. Унинг давоси мулоиймлаштирувчи латиф овқатлардир. Совуқ мизожлига қарам шўрваси ва нўхат суви, иссиқ мизожлига лавлаги шўрваси, ясиқ шўрваси, тухум саригини узоқ истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Бақлажон, туя гўшти, от гўшти, қуритилган гўшт, тузланган балиқ ва бошқа шу қабилар иссиқлик овқатлар таркибига қиради. Агар кимки буларни кўплаб истеъмол қилса, у қон олдиришга ва ичига девепечак солинган нарса ёрдамида сурги қилдиришга шошилиши керак, дейди Ибн Сино. Чунки бадан бўшатилмасу, бу кишини ҳаётига мохов, пес, қора доғ ва темираткилар, қоражигар шишлари, турли қуёнчиқлар, бавосир, вена кенгайиши каби оғир касалликлар хавф солади.

Ушбу мақолада улуғ аллома таркиби кучсиз ва тифиз овқатлар, сермой, ўткир, аччиқ, нордон, буриштирувчи дағал овқатлар истеъмоли ва уларнинг фойда-зарарлари, давоси ҳақида фикр юратади. Масалан, аччиқ овқатлар мизожга, иштаҳага ва табиатга зиён қилади, чунки аччиқ-

лик овқатнинг жавҳаридан жуда узоқ нарсадир. Овқатнинг жавҳари ширин нарсадир, аччиқ нарсалар баъзан тиришиш пайдо қилади. Унинг давоси ширинликлар ва сермой овқатлар тановул қилиш ҳамда хушбўй нарсаларни хидлаб чайнашдир.

СУВ ВА ИЧИМЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА

Бу мақола кўп сув ичишнинг зарарлари билан бошланади. Кўп сув ичиш аввало барча аъзолардаги туғма ҳароратни, шунингдек, тўрт табиий қувватни сусайтиради, титроққа гирифтор қилади. Жигардаги ажратувчи қувват қондан сувни айиришга заифлик қилади, буйрак заифлашади. Овқатни суюлтиради ва уни вақтидан олдин тушириб юборади. Бундай ҳолатда совуқ мизожлига шаробга қўшиб мушк дориси ёки асоносие каби таркиби мураккаб дорилардан, иссиқ мизожлига доривор маъжуну ва латиф хушбўй шароб берилди.

Шундан сўнг аччиқтошли, олтин-гургуртли, тузли, навадилли, нордон сувлар истеъмолининг ҳамда наҳорга ва таом устига ичилган сувларнинг фойда-зарарларидан кейин сўз шаробга бағишланади.

Шароб деб, сув ва маст қиладиган ичимликларга айтилади, деб ёзади Ибн Сино. Демак, унинг асарларидаги шароб сўзидан мурад фақатгина маст қилувчини эмас, балки умуман, ичишга лойиқ нарсаларни ҳам англатади.

Бўза жигар, мия, юрак, меъда, қоражигар, буйрак, қовуқ ва ичакларни бузиб, ҳолдан тойдиради ва оғир касалликларга дучор қилади, дейди Ибн Сино. Унинг устига шароб ичиш ёки шаробнинг устига уни ичишдан сақланиш керак. Давоси ёнғоқ, бодом ва данаклар ҳамда пешоб ҳайдовчиларни истеъмол қилишдир. Алломага кўра, бўзанинг энг яхшиси нонга мўл долчин, газак ўт ва ялпиз аралаштириб тайёрланганидир.

Кўп шароб ичиш иссиқ мизожлилар учун ўта хавфли. Бу унинг томирларида ва ички аъзоларида сафронинг тўпланиши ва қоннинг галабасига сабаб бўлиб, қон сактаси ва тўсатдан ўлишга олиб боради. Совуқ мизожлиларни барча асаб касалликларига йўлқитиб, уларда совуқ сакта, узоқ уйку, фалаж, титроқ, юз фалажи ва бадан сезмай қолишни пайдо қилади.

Кучли қора, кучсиз суюқ, тахир шароблардан кейин хумор қилганда шароб ичишнинг зарари ҳақида фикр қилинади. Хуморга шароб ичиш бош-



(Боши газетанинг ўтган сониди)

оғриқ, кўнгил айниши, оғир иситмалар ва ички аъзолардаги шишларни келтириб чиқаради. Бунинг давоси иссиқ сув ёрдамида қайт қилиш лозим. Кейин нимтуруш анор сиқилиб, суви оз-оздан ичилади. Ортидан узум гўраси шинниси ва шароби истеъмол қилинади. Таоми ёш мол гўшти қўшиб тайёрланган дориворлар ва майда балиқлардан иборат бўлиши керак.

ҲАРАКАТЛАР ТЎҒРИСИДА

Улуғ табиб ҳаракатларни бадан-тарбия, нафсоний ҳаракат, жинсий алоқа ва сафарлардаги ҳаракат қаби турларга бўлади. Бу мақолада кўпроқ шахсий гигиена ва у билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз юритиб, асосли ва батафсил шарҳлар беради.

Кўп ҳаракат жуда қаттиқ қиздиради ва қуритади, ишнинг охирида совиатади. Зарари хилларни саситиб, ёмон моддаларни аъзоларнинг ич-ичига кўчиришидир. Иккинчи зарари совуқ асаб касалликлари ва қувватнинг пайсаби кетиши билан белгиланади. У баъзан ҳушдан кетишга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Давоси ёзда совуқ сувда, қишда илиқ чучук оқин сувда ювиниш керак. Қиймаланган, нўхат солиб пиширилган гўшти шўрвадан ҳўплаб ичиш лозим, кўп эмас. Овқат латифлаштирилади.

Кўп ҳаракатсиз қолиш натижасида етилмаган хиллар туғилади, пайлар мушакка итоат қилмайди, хислар ўтмаслашиб қолади. Бу ҳолат узоқ давом этган бўлмаса бадантарбия ва ҳаммомдаги уқалаш унинг давоси бўлади.

Жуда кўп бедорлик, яъни уйқу-сизликнинг зарари кўпроқ мияга ва юракка тегади. Мияни намлаш учун бошга гунафша ёғи қуйиш, уни бурунга тортиш ва қулоққа томизиш, гул сувидан хидлаш ва кўп сув қўшилган шаробдан ичиш керак бўлади. Ёки чучук сувдан енгил ҳаммом қабул қилиш, исмалоқ ё ошқовоқ ё лавлагу шўрвасидан ҳўплаб ичиш лозим.

БЎШАТИШ (ИСТИФРОҚ) ТЎҒРИСИДА

Рисоланинг сўнгги мақоласи бўшатиш усулларига бағишланган. Ибн Сино бадани бўшатиш усулларига қон олиш, сурги, терлатиш қабиларни киритади ва унинг тартиб-қоидаларини бирма-бир баён этади.

Одам танасига етган зарарларни даф этиш ҳақида битилган бу хулосалар ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган, аксинча бугунги табибларга дустирламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мутафаккир ва тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино 57 йил яшади. Ана шу даврда у бир неча академиялар қила олмаган ишларни бир ўзи бажарди. Тиббиётнинг барча соҳаларини тадқиқ этди. Инсоннинг нафақат вужуди, шу билан бирга, руҳияти саломатлиги билан ҳам жиддий шўғулланди. Ўзигача ҳал этилмаган масалалар, муаммоларга ечим топди.

Қадим Бухоронинг Афшона номи қишлоғида туғилган ўғлон йиллар ўтиб, башарият фарзандига айланади. Бундай инсонлар жаҳонда камдан кам учрайди. Бунинг исботини «Инсон баданига етишган турли зарарларни йўқотиш» номи кичик бир рисоладаги фикр ва хулосалар, кўрсатма ва талабларда ҳам кўрдик.

Фуркат ЭРГАШЕВ тайёрлади.

НУҚТАИ НАЗАР

“ Форс кўрфази узра яна уруш чақириқлари янграй бошлади. Эроннинг ядровий дастури атропофидаги машмашалар ҳали кўп давом этадиган кўринади. «Эрон ядровий қуроли реалликка айланса, Дональд Трамп уруш бошлаш ниятида», дейди АҚШ Президентининг Эрон бўйича махсус вакили Брайан Хук.

БУ ҲАҚДА ГАПИРИШГА ҲАЛИ ЭРТА



Стул устида турган режа

Мазкур баёнот ўзига хос лаҳзаларда берилгани билан аҳамиятли. Хусусан, дағдағалар БМТ Хавфсизлик Кенгаши АҚШ томонидан таклиф этилган Эрон билан қурол савдоси олиб боришга қўйилган халқаро эмбарго ни узайтириш тўғрисидаги резолюцияни муҳокама қилишни бошлаган бир пайтга тўғри келди. Чеклов кузда ўз ниҳоясига етади, Вашингтондагилар фикрича, бу чоралар Эрон режимининг амбицияларини тийиб турувчи энг муҳим тўсиқлардан биридир. Махсус вакил Хук ўз баёнотини Исроилда эълон қилди. У Бош вазир Биньямин Нетаньяху билан музокаралар ўтказиш учун Қуддусга келдики, бу маҳаллий матбуотни ҳайратга солди. Матбуотни АҚШ вакилининг айна ҳал қилувчи лаҳзаларда Исроилга нега келгани қизиқтирарди. Сабаби оддий. Ҳозир Исроилнинг бош сиёсий мавзуси – мамлакатни Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ҳисобига кенгайтириш. Аммо 1 июлдан бошланиши керак бўлган жараён орта сурилди.

Мазкур ҳодиса олдида Нетаньяху Американинг турли амалдорлари билан маслаҳатлашувлар ўтказмоқда. Аммо Хук ўз лавозимига кўра, Исроил – Фаластин муносабатларига алоқадор мансабдор эмас. Нетаньяху эса Эрон ядровий таҳдидини муҳокама қилишга унда «ҳамиша вақт топилиши»ни маълум қилди. Хук Исроилнинг 13 news телеканалига берган интервьюсида АҚШ Президентининг Эрон расмийларига муносабати борасидаги сиёсатига тўхталди. «Исроилликлар, америкаликлар ва халқаро ҳамжамият шуни билиб қўйишлари керакки, Президент Трамп ҳеч қачон уларга ядро қуролига эга бўлишга

йўл қўймайди». Махсус вакилнинг алоҳида эътибор қаратишича, Америка лидерининг Эронга қарши уруш бошлаш режаси «ҳар доим стол устида туради» ва бу мабодо Ислон Республикаси расмийлари «чиқиқни босиб ўтишлари» билан ишга тушади.

Трамплинг махсус вакили шу йилнинг 26 июнида юз берган ҳодисалар тўғрисидаги саволларга жавоб беришдан бош тортиди. Ушанда Техрон шарқидаги ядровий полигон жойлашган Парчин туманида портлаш содир бўлди. Бу ҳудудга яқинда Эрон МАГАТЭ инспекторларини қўймаган эди. Бундан ташқари, портлаш Шероз электростанциясида ҳам рўй берди – шахарнинг маҳаллий университетиде Эрон ядровий дастури доирасидаги ишланмалар олиб борилаётганиди. Кувейтнинг «Ал Жарида» газетаси ўз манбаларига таяниб илдо қилишича, Парчиндаги портлаш ҳеч бўлмаганда исроилликлар ёки америкаликларнинг ҳаракатлари оқибатида рўй берган. Гўёки компьютер вируси ёрдамида ядровий объект учун ишлатилган техник газ резервуари портлатилган.

Помпео ҳеч кимни ишонтиролмади

Хуллас, Трамплинг ниятлари жиддийлиги тўғрисида Брайан Хук БМТ Хавфсизлик Кенгашида Эронга қурол етказиб бериш борасида қўйилган ва 18 октябрда муддати яқунланадиган эмбарго ни узайтириш тўғрисидаги Америка резолюцияси муҳокама бошланаётган пайтга тўғри келди. Бу муҳокамалар арафасида 30 июнь куни Эрон ядровий дастуридан ҳарбий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида тузилган 5+1 гуруҳи, яъни Россия, АҚШ, ХХР, Франция, Буюк Британия, Германия вакиллари видеоалоқа

тизими орқали Ислон Республикаси атропофидаги вазиятни муҳокама этдилар.

АҚШ Давлат котиби Майк Помпеонинг айтишича, Вашингтон эмбаргонинг узайтирилишидан манфаатдор. Акс ҳолда, Эрон Россиядан янги ҳарбий самолётларни сотиб олади, ўзининг сув ости флоти ва ракета қўшинларини замонавийлаштиради, яъни ядровий қуролини нишонга етказиш воситаларига эга бўлиб қолади. Помпео Техрон расмийларини шундоқ ҳам Яқин

Шарқдаги иттифоқчиларига қурол етказиб, эмбарго ни бузаётганликда айблади. У Эронга минтақада беқарорлик яратиш учун фурсат бермаслик кераклиги ҳақида гапирди, чунки бу нефть бозорига таъсир кўрсатиб, кўплаб давлатларга, шу жумладан, Россия ва Хитойга зиён етказди. Лекин Помпео ҳеч кимни ишонтира олмади.

Сўнгги чораларга қўл уриладими?

Россия ва Хитой вакиллари АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Франция давлатларини нохуш тарзда эмбарго ни олиб ташлашга чақирди. Америка резолюцияси бўйича мажлис қачон бўлиб ўтади, бу номаълум, аммо видеоконференциядан кейин аён бўлмоқдаки, Хавфсизлик Кенгашида доимий аъзолардан бири эмбаргога вето қўйиши аён бўлиб турибди. Оқ уй бу вариантни ҳам назардан қочирмади. Май ойида «Wall Street Journal» газетасида босилган мақолада Хук тасдиқлаганидек, агар Америка резолюциясига вето қўйилса, у ҳолда АҚШ Эронга қарши халқаро санкцияларни бошқача ҳуқуқий асосларда тиклашга уринади. Жумладан, Техроннинг Эрон ядровий дастурига оид умумқамровли қўшма ҳаракатлар режаси доирасида олган мажбуриятларини қисқартираётгани омилидан Вашингтон ташвиқот қуроли сифатида фойдаланиши мумкин. АҚШ буни Эроннинг «ядровий битим»дан чиқиши сифатида талқин этиши мумкин. Мабодо Эрон мазкур битимдан чиқадиган бўлса, у ҳолда аввалги амалда бўлган санкциялар пакетининг барчаси тикланиши аниқ. Шу жумладан, қурол савдоси тақиқи ҳам. Тўғри, АҚШ рақобатчилари, жумладан, Россия олдинроқ бу мантиқнинг ҳуқуқий нуқтаи назардан асоссизлигини таъкидлаган.

Гарчи Брайан Хукнинг ҳозирги баёнотлари тарғибот оҳангига мос бўлса-да, Эроннинг ҳақиқатда ядро қуролини яратиш истиқболлари реаллик касб этса, АҚШ ва Исроилнинг сўнгги чораларга қўл уришга тайёрлигини назардан соқит қилиб бўлмайди. Тўғри, мабодо Эрон умумқамровли қўшма ҳаракатлар режасидан юридик жиҳатдан чиққудек бўлса, бу унинг эртаси куни атом бомбаси яратишини англамайди. Бу ишга камида беш-олти йил вақт кетади. Демак, ҳозир Америка зарбаси ҳақида гапирининг ўрни эмас, бу яқин истиқболнинг гапи.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДОИРАСИДАН ТАШҚАРИДА»ГИ БОЛАЛИК

Эҳтимол, бу умр давомида шундай бўлиб қолар. Шунинг учун ҳам юқоридаги қўштирноқ ичидаги фазилатларни тушунишга қанча уринмасин, аввал бошда ҳеч нарсани англолмайди. Беғубор нигоҳи, гардсиз қалбига ўша ёвузликнинг QR-кодани қайта ва қайта киритиб кўрманг, натижа ногла тенг бўлаверади. Боиси, бу қалбда сўровни муваффақиятли бажариш учун ҳали маълумотлар базаси шаклланмаган.

Ирландиялик ёзувчи Жон Бойннинг «Йўл-йўл пижамали бола» романи Иккинчи жаҳон уруши ҳақида ёзилган дурдона асарлардан бири. Китоб илк бор 2006 йилда нашр этилади. Роман дарҳол ўнлаб адабий мукофотларга лойиқ кўрилиб, дунёнинг 50 дан ортиқ тилига таржима қилинган.

Газетамизда дунёнинг дурдона асарлари таҳлили билан сизни маҳоратли журналист Инобат Иброҳимова анчадан буён таништириб келмоқда. Биз бугун роман ва у асосида режиссёр Марк Ҳерман суратга олган фильмдаги туйғулар ҳақида

Агар болалигингиз чиндан ҳам самимий, эзгу ва беғубор туйғулар оғушида кечган бўлса, сарлавҳадаги жумлани дарров англайсиз. Яъни дунёни фақат ва фақат яхшиликлардан иборат, деб биладиган мурғак кўнгил ўзи мансуб бўлган ва яшаб турган жамиятнинг хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарисида бўлади. Атрофда кечаётган воқеалар унга ҳайрат ва завқдан бўлак нарса эмас. Чунки у ёвузлик, разиллик, инсонийликдан йироқ бўлган кечинмаларни қалбидан ўтказиб кўрмаган.



сўз юритамиз.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига қанчадан-қанча офат, кулфат ва балоларни ёғдириб кетди. Фашист концлагерларидаги хунрезликлар, хўрланган асирлар (инсонлар!) ҳақидаги фактлар кишини даҳшатга солади. Асардаги воқеалар айни ўша даврга тегишли.

Брунонинг оиласи Берлиндаги ҳашаматли уйда яшайди. Отаси ҳарбий хизматчи. Кунлардан бир кун отаси муҳим лавозимга тайинлангани боис улар Аж-Вис шаҳарчасига кўчиб кетишларига тўғри келади. Табиийки, бу болакайга маъқул келмайди. Ахир дўстларининг ҳаммаси Берлинда қолиб кетади. Янги жойга кўчиб ўтса, у ерда ким билан ўйнайди? Бироқ оила кўчишга мажбур.

Янги шаҳарча, янги уй. Бруно зерика бошлайди. Атрофни кузатиб, йўл-йўл пижамалар кийган кишиларни кўриб қолади. Сўнг уларнинг кимлигига қизиқиб, кузатишга тушади ва тўсатдан симтўсиқлар ортида ўтирган яҳудий болакай – Шмуэль билан танишиб қолади. Бруно нима учун уларнинг бир хил кийимда юриши, рухсатсиз бу худуддан ташқарига чиқиш мумкин эмаслиги, умуман, улар ҳаётига доир ҳамма нарса билан қизиқа бошлайди. Болакайлар ўртасида кечган илк суҳбатнинг ўзиёқ ўқувчи ва томошабин қалбини ларзага солади. Ҳақиқий хизмат кўрсатиш доирасидан ташқаридаги беғубор ва сидқи туйғулар жилоси мана шундай мавжланиб бораверади.

Шмуэль Брунога ўзларини бахтиёр ферма ишчилари эканлиги ва шу боис бир хил кийимда юришларини айтади. Табиийки, Бруно бунга ишонади ва ҳар куни у билан ўйнагани келиб туради. У келтирган егуликлар Шмуэль учун ҳақиқий зиёфат эди. Икки тенгдош ўртасидаги дўстлик риштаси шу зайдда кўнгилда илдиз отади.

Бруно бу ер Освенцим ўлим лагери эканлигини билмас, у ердаги ҳаёт тарзи, ишчилар ҳаёти ва фаолиятига қизиқаверади. Брунони қўятуринг, ҳатто унинг онаси ҳам бу ернинг қирғин лагери эканлигидан беҳабар эди. Бир куни атрофга тарқалаётган бадбўй ҳиддан «ҳидланиб» қолганида эрининг ёрдамчиси бор гапни айтиб қўяди. Ўша кундан бошлаб аёл кўнглида ҳаловат йўқолади. У эрига бу ишнинг турган-битгани оғир гуноҳ эканлигини ўқитишга бот-бот уринмасин, фойда бермайди, эр муҳим топшириқ олган.

Бу орада Шмуэль Брунога ўзининг отаси йўқолиб қолгани ҳақидаги хабарни айтиб қолади. Ферманинг бир гуруҳ ишчилари қандайдир топшириқни бажариш учун кетган-у, қайтиб келмаган. Демак, топилмаётган ота ҳам ўша сафда. Бруно унинг дўсти, шундай экан, унга отасини топишда ёрдам бериши керак.

Воқеалар шу зайдда ривожланиб бораётган пайт немис оиласи Берлинга қайтиб кетиш учун топшириқ олади. Бруно дўсти билан хайрлашиш, қолаверса, унга отасини топишда ёрдам бериш учун сўнги бор симтўсиқлар томон борди. Белкурак ёрдамида симтўсиқдан ўтиш учун кичик туннельча ҳосил қилди. Мана, Шмуэль унга йўл-йўл пижамали кийим берди. Икки дўст концлагерь худудидан йўқолган отани қидиряпти. Шу пайт зобитлар янги гуруҳни чўмилиб олиш учун ҳаммомга бошлаб қолади. Икки болакай ҳам мана шу сафга қўшилиб қолганини сезмай қолади. Ва... ва атрофга яна ўша бадбўй хид тарқалади...

Қолган ва қолмаган тафсилотларни айтиш эмас, уни фақат ҳис этиш мумкин. Бунинг юракдан туйиш учун эса асарни ўқиш, фильмни томоша қилиш керак. Қуйидаги сатрлар ўша таассурот бўлиб, оққа кўчган.

БРУНО

*Бруно, қизиқма ҳеч қандай сирга,
Коптогингни ўйна, аргимчоқда уч.
Ёки бекинчоқ ўйнаймиз бирга,
Кўзларимни юмдим, бир, икки, уч...*

*Энг сокин, энг хилват жойларга беркин,
Сени тополмасин искабтопарлар.
Эшитма ва кўрма, бу ҳаёт — чиркин,
Англасанг отарлар ёки чопарлар.*

*Сен шундай яшагин, шундай беғубор,
Умрингни сарф этма асов қунодай.
Бўғилма, кўксингга инмасин ғубор,
Шунчаки бу ернинг ҳавоси шундай.*

*Бруно, қарагин, осмон тип-тиниқ,
Учиб бораёттир озодлик, ҳурлик.
Фақат анов қушнинг қаноти синиқ,
Жанубга етолмай қулайди шўрлик.*

*Бруно, қоқилма зулмат тунлари,
Кўча чироқларин ёқиб қўяман.
Қушнинг олмасин мазлум унлари,
Энингга кўзмунчоқ тақиб қўяман.*

*Энди эса ухла, кўзларингни юм,
Мен эртақ айтаман бор меҳрим ийиб.
Сўнгра тушларингда ийглайман юм-юм,
Рақамланган йўл-йўл пижамалар кийиб.*

Исломжон КЎЧҚОРОВ



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодни сканер қилинг.

ИМТИЁЗГА ЭГА АБИТУРИЕНТЛАР: САВОЛЛАР ОЧИҚЛАНДИ

Юртимизда жорий этилган карантин қоидалари олий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагида бўлган абитуриентларнинг тегишли фанлардан тайёргарлик кўриш, ҳужжат ҳамда тест синовларини топшириш тартибига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шу боис, бу йилги имтиҳонларни ўтказишда соддалаштирилган тартиб жорий этилди. Олий маълумотга эга бўлишни мақсад қилган ёшларда бу борадаги ўзгаришлар юзасидан саволлар туғилиши табиий. Қуйида республикамиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларнинг тахририятимизга йўллаган саволларига жавоб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига мурожаат этдик.



Саволларга Давлат тест маркази бош мутахассиси Жамшидбек ОДИЛОВ жавоб берди.

? Олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодлар фанлар кетма-кетлигига мос яна бешта бакалавриат йўналишлари бўйича учта таълим шакли (қундузги, кечки, сиртки)дан исталган бирини танлаши мумкинми? Ёки фақат қундузги таълим бўйича ҳужжат топширадими?

К. НАЗАРОВ
Шеробод тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 1-сон баёнига мувофиқ, номзодларга олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш бўйича рўйхатдан ўтишда тест топширадиган фанлар мажмуаси ва кетма-кетлиги бир хил бўлган ҳарбий бўлмаган олий таълим муассасаларининг бештагача бакалавриат таълим йўналишларини танлаш ҳуқуқи берилади. Бунда номзодлар бештагача бакалавриат таълим йўналишларини учта таълим шакли (қундузги, кечки, сиртки)дан исталган биттаси бўйича танлашлари мумкин.

? Мен ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эгаман ва бу йил унинг имтиёзидан охириги марта олий ҳарбий таълим муассасаси учун фойдаланяпман. Борди-ю, у ерга ўқишга кира олмасам, тўплаган балларим мос равишда танланган 5 та бакалавриат таълим йўналишига айнан имтиёзим бўйича 5 фоизли квота асосида кўриб чиқиладими ёки умумий квота асосидами?

М. СУЛТОНОВ
Бешариқ тумани

Жавоб: агар абитуриент олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кира олмасам, унинг имтиёзи ҳарбий бўлмаган давлат олий таълим муассасалари учун сақланиб қолади. Бундай абитуриентлар учун умумий квотанинг 5 фоиизи миқдорига қўшимча жой ажратилади.

Бешта йўналишни танлаганда, тавсиянома

фақат 1-йўналишга ўтади. Иккинчи ва ундан кейинги йўналишларда қўшимча квота берилмайди, умумий тартибда танловда қатнашади.

? Ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга абитуриентлар олий ҳарбий таълим муассасалари учун тест синовиди алоҳида 5 фоизли квота асосида беллашадими?

Р. АБДУЛЛАЕВ
Олмазор тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 июлдаги ПФ-5759-сон фармони асосан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар республиканинг олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тегишли таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра тўплаган балларининг 50 фоиизи миқдорига қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўладилар. Уларга олий ҳарбий таълим муассасалари учун алоҳида 5 фоизли квота ажратилмайди.

? Мен ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномаси ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун ОХТМга киришда 5 фоизли қабул квотаси доирасидаги танловда қатнашиш имтиёзига эгаман. Ҳужжатларимни олий ҳарбий таълим муассасасига топширганман. Мен ҳар икки имтиёзимдан бир вақтнинг ўзида фойдалана оламанми? Бунинг тартиби қандай бўлади?

С. МАМАЮСУПОВ
Мирзачўл тумани

Жавоб: ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар республиканинг олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тегишли таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра тўплаган балларининг 50 фоиизи миқдорига қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади. Давлат тест маркази томонидан абитуриентнинг тест синовлари натижаларига кўра, тўплаган балларининг 50 фоиизи миқдорига қўшимча балл берилади.

Тақдимномангиз имтиёзи эса олий ҳарбий таълим муассасаси томонидан уларнинг ваколоти доирасида амалга оширилади.

? Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларига бериладиган имтиёз ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Т. ҚОРАХОНОВ
Қарши шаҳри

Жавоб: Президентимизнинг 2019 йил 26 февралдаги «Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди ички ишлар органлари ходимлари фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзлар белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан бериладиган тавсиянома ва тақдимномалар имтиёз бериш учун асос бўлади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан:

- давлат олий таълим муассасаларига кириш учун тавсиянома;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазир-

лиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тақдимнома берилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандларига:

- олий таълим муассасаларига кириш учун умумий қабул параметрларидан ташқари 3 фоизли қабул кўрсаткичлари (қўшимча 3 фоизли қабул квотаси) ажратилади. Уларга мазкур 3 фоизли қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш имтиёзи берилади (тавсиянома асосида);

- ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун курсантлар (ўқувчилар)ни қабул қилишнинг умумий сонидан 5 фоизли қабул кўрсаткичлари (қўшимча 5 фоизли қабул квотаси) ажратилади. Уларга мазкур 5 фоизли қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш имтиёзи берилади (тақдимнома асосида).

Терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига:

- олий таълим муассасаларига киришда танловсиз, белгиланган қабул параметрларидан ташқари давлат гранти асосида ўқишга кириш имтиёзи берилади (тавсиянома асосида);

- ҳарбий таълим муассасаларига киришда дастлабки ва касбий танлов натижаларига асосан танловсиз, белгиланган қабул параметрларидан ташқари ўқишга кириш имтиёзи берилади (тақдимнома асосида).

? Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг фарзандларига ўқишга киришда қандай имтиёз берилади?

А. ИСОҚОВ
Когон тумани

Жавоб: Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3726-сон қарориди Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг фарзандларига олий таълим муассасаларига кириш учун имтиёзлар белгиланган. Мазкур қарорга мувофиқ:

- мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган, жанговар хизматда ва илмий фаолиятда муайян натижаларга эришган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар (идоралар)да ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари тегишли тавсияномага эга бўлган тақдирда, олий таълим муассасаларига киришда ажратилган 5 фоизли қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этади;

- ҳарбий хизмат вазибаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда ҳарбий хизмат вазибаларини бажариш чоғида ярадорлик, контузия, шикастланиш ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар (идоралар)нинг ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари олий таълим муассасаларига киришда белгиланган қабул кўрсаткичларидан ташқари танловсиз давлат гранти асосида ўқишга тавсия этилади.

Бунинг ҳуқуқий асоси Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги қарори билан тасдиқланган низомдир. Тавсияномаларнинг амал қилиш мuddати уч йил.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ тайёрлади.

УРУШНИНГ АЁЛ ҚАҲРАМОНЛАРИ

НАФОСАТГА
ЙЎҒРИЛГАН
ЖАСОРАТ

Аёллар ҳақида сўз кетганда нафис ва назокатли хилқат, мўтабар она, севиқли рафиқа, жондош сингил, дея таъриф берилади. Бу, албатта, муносиб таъриф – энг катта эътироф. Лекин Иккинчи жаҳон уруши мана шу нозик хилқатни жасур аскар, матонатли жангчига айлантirdи. Россия Мудофаа вазирлиги бундан икки йил олдин ўзининг расмий сайтыда Иккинчи жаҳон уруши йилларида аёллар кўрсатган жасоратлар ҳақидаги архив ҳужжатларни эълон қилди. Бу ҳужжатлар Россия Мудофаа вазирлиги Марказий архиви фондидан махфийликдан чиқарилган мактублар, фотосуратлар, уруш йилларидаги газеталардан қирқиб олинган парчалар, докладлар, мукофот ҳужжатлари бўлиб, улар орқали аёлларнинг жанг майдонида кўрсатган ақлбодар қилмас қаҳрамонликлари юзага чиқди.

«Умумий сарлавҳа остида берилган бу хабарларнинг ҳар бири – бу миниатюра шаклидаги тарих, улар ҳаммаси биргаликда эса – мўтлақо аёлларга хос бўлмаган жасорат, қаҳрамонликларга лиммо-лим аёллар тақдирини калейдоскопидир. Бундай жасоратларни аёллар содир этганига ишонинг келмайди», дея таъкидланади хабарда.

Биз тақдирининг буюк тарихида ўзининг тенгсиз жасорати ва матонати билан ўчмас из қолдирган Тўмарис, Бибиҳоним ва Нодирабеғим каби аёлларимизни ҳаммаша эҳтиром билан тилга оламиз. Эътирофга сазовор жиҳати, улуғ момоларимизга хос бўлган олийжаноб фазилатлар Иккинчи жаҳон уруши даврида минглаб ўзбек аёллари сиймосида бўй кўрсатди. Тарихий ҳужжатларда келтирилмишича, ўшанда мамлакатимиздан кўплай фидойи аёл-қизлар фашист босқинчиларига қарши жангларда қатнашган. Улар орасида ҳужум авиация полки кузатувчиси Сайёра Шукуррова, мерган Раҳима Алимова, жасур жангчилар Роза Ибрагимова, Сабира Мажидова, бутун ҳарбий қисми ўз ҳаёти эвазига қутқарган радио оператори Елена Стемпковская каби қаҳрамон аёллар бор эди.

Мен уруш аёлларининг рўй-рост тақдирини, қисматини беларусь ёзувчиси Светлана Алексиевичнинг «Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси» ҳужжатли асарига ўқидим. Ўқидим-у, биз то шу кунгача китобларда ўқиган, киноларда кўрган Иккинчи жаҳон уруши саҳналарининг аскарлари ёлғонлигига, жангу жадалнинг бор азобини фақат эркеклар эмас, аёллар ҳам тортганлигига, қаҳрамонликларни ҳам фақат эркеклар эмас, аёллар ҳам кўрсатганлигига амин бўлдим. Лекин негадир бу ҳақиқатлар вақтида ошкор этилмаган. Кўйида биз шундай тенгсиз қаҳрамон аёллар тимсолида уруш ҳақиқатларига бўйлаймиз.

Зебо ГАНИЕВА (тўлиқ исми Зиба Пошо кизи Ганиева) болалигидан санъатга ошно бўлиб улғаяди. Шунинг учун Москвадаги Россия давлат театр санъати институтининг актёрлик бўлимида таълим олади. Аммо уруш

қизнинг ўқиши ва келажак режаларини тубдан ўзгартириб юборди. Ганиева саҳна санъатидан ҳам кўпроқ ҳарбий санъатни ўрганишини ўзи учун бурч деб билди ва ўша оғир йилларда кўплай ёшлар сингари у ҳам ҳеч иккиланмасдан фронтга кетди. Қисқа вақт ичида пулемётчи, мерганликни пухта ўзлаштирди. Тез орада совет мамлакатларида 28 фашистни йўқ қилган жасур қиз ҳақидаги хабар тарқалади. Разведкачи ва мерган Зебо Ганиеванинг фотосуратлари ва унинг эксплуатациялари ҳақида материаллар марказий ва фронт газеталарида эълон қилинади. Довроқ мерган қиз жанговар ҳаракатларда иштирок этган ҳолда 130 га яқин душман аскарларини йўқ қилади. Урушдан сўнг Зебо Ганиева Тошкент киностудиясида Наби Ганиев томонидан суратга олинган «Тоҳир ва Зухра» фильмида Хоразм маликиса ролини ижро этади. Кейинчалик эса тарихни ўрганади ва шарқшунослик доктори, профессор бўлади.

Жамила ҚОДИРОВА урушда «Ўзбечка» номи билан танилган ўзбекнинг мерган қизи. У дастлаб Украина fronti, сўнг Сталинград жангида кетма-кет мислсиз жасорат кўрсатади. Жамила шу қадар машҳур бўлиб кетадики, натижада «Абвер» (Германия ҳарбий разведкаси)нинг назарига тушади. Учинчи Рейхнинг махсус «Абвер» хизматининг 1943 йилги махфий ёзишмаларида у ҳақда шундай сўзларни ўқиш мумкин:

«Украина ўрмонларида Шўро разведкаси гуруҳларига лақаби «Ўзбечка» бўлган снайпер жалб этилган. Радиоэфирларда «Ўзбечка» сўзи учраганида ва пеленгаторлар алоқага чиққан нуқтани аниқлаганларида «эс-эс» ва зарбдор гуруҳларининг биринчи навбатдаги вазифаси қуйидагилар этиб белгилансин:

- 1) радиоалоқага чиқилган ҳудуд қуршаб олиниши ва ундаги душманнинг разведка гуруҳи аниқланиши;
- 2) «Ўзбечка» лақабли снайпернинг эҳтимолий яшириниш жойи аниқлансин ва уни ҳар қандай ҳолда йўқ қилиш вазифаси белгилансин.

«Ўзбечка» лақабли снайпер аёл



эришолмайди. Аммо жанглардан бирида Людмила миномёт портлашидан жароҳатланади. Соғайганидан кейин у уруш чизигидан узоқлаштирилиб, фронт орти ишларига жалб қилинади.

Нэнси УЭЙК Янги Зеландияда туғилган. Австралияда ўсиб катта бўлган. 1939 йили нацистлар Германияси Францияга бостириб кирганида Нэнси оиласи билан Марселда яшаётган эди. У Француз Қаршилик ҳаракатига қўшилади. Иттифоқчи кучлар учувчиларининг Пиренеи тоғлари орқали Францияга қочиб ўтишларига йўл кўрсатади. Уэйк тармоғи 1942 йили нацистларга ошкор бўлиб қолганидан кейин аввал Испанияга, кейин Британияга қочади. Кейинчалик Нэнси Британия жосуслик кучлари агентлари (SOE) билан ҳамкорликда ишлаб бошлайди ва парашютда яна Францияга ташланади. У қатор муҳим операцияларда иштирок этади. Асосан энгилеёқ аёлларга ўхшаб кийинган ва фашист эркеклар билан учрашиб, улардан муҳим маълумотларни қўлга киритган. Уруш йиллари нацистлар кўп бор унинг изига тушишган, аммо у ҳар доим таъқибчиларининг бурни остидан қочиб муваффақ бўлган.

Жейн ВИАЛЛЕ Конго Республикасида туғилган, болалигида оиласи Парижга кўчиб ўтган эди. Иккинчи жаҳон уруши бошланган пайтда у журналист бўлиб ишларди. Виалле Парижни ташлаб, Франция жанубига кетади. Француз Қаршилик ҳаракатининг жосушига айланади. Бу пайтда мамлакат жануби расман нацистлар томонидан босиб олинмаган эди. Жейнга нацист қўшинларининг ҳаракатлини ҳақида маълумот йиғиши ва иттифоқчиларга узатиш вазифаси юклатилади. У ҳам кўплай операцияларни муваффақиятли амалга оширади. Аммо 1943 йилнинг январиде уни қўлга туширишади. Жейн қўлга киритган махфий маълумотларни кодлаштирган бўлади. Шунинг учун ҳам расмийлар унинг сирларини қўлга киритолмайдилар. Виаллен аввал концентрация лагерида, сўнг Марселдаги аёллар қамоқхонасига жойлаштириладилар. Шундай бўлса-да, у урушдан омон чиқади.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА,
«Vatanparvar»



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодини сканер қилинг.

киши бўлиб, катта эҳтимол билан Осиё этник гуруҳларига мансуб...

Нур ИНОЯТ ХОН – ҳиндистонлик малика ва Британия жосуси. У 1914 йилда туғилган, Парижда таҳсил олган. Нур Иноят Хон кўп тилни билганлиги сабабли кейинчалик Британиянинг махсус операциялар бўйича идорасига (British Special Operations Executive (SOE)) жалб қилинади. У бошқа жосуслар билан бирга нацистлар Германияси ишғол қилган Франция ҳудудига парашютда ташланади. Уларга нацистлар фаолиятини саботаж қилиш, Француз Қаршилик ҳаракатига кўмаклашиш, душман қўшинлари ҳаракатлини қузатиш вазифалари юклатилган эди. Иноят Хон ушбу муҳим топшириқни бажариш чоғида радиооператор сифатида хизмат қилади. Бу эса ўз жойлашган жойини тез-тез алмаштириб туришни талаб қиладиган хатарли иш эди. Нур Иноят Хон бу вазифа юклатилган илк аёл жосуслардан бири. Барибир нацистларнинг полицияси Гестапо уни қўлга туширади, қийноқларга тутиб сўроқ қилади. Лекин қиздан бирорта ҳам муҳим маълумотни ололмайдилар. 1944 йилнинг сентябрь ойида Нур Иноят Хон ва яна уч нафар британ жосуслари Дахау концлагерига ўтказадилар ва 13 сентябрь кунини отиб ўлдирадилар.

Людмила ПАВЛИЧЕНКО урушдаги энг муваффақиятли мерганлардан яна бири сифатида тарихда қолган. У фашистлар 1941 йили Совет Иттифоқига бостириб кирганидан кейин 309 фашист аскар ва зобитини ўлдирган тасдиқланган. Ҳайратланарлиси, Людмила ўлдирган қурбонлар орасида 36 нафари мерган бўлган. Улар совет мергани билан Севастополь ва Одесса шаҳарларидаги «мушук-сичқон ўйинлари»да ютқазиб, нариги дунёга равона бўлгандилар. Шунинг учун ҳам Людмила Павличенкога Фарб матбуоти «Ўлим ледиси» деб ном беради. Людмилага жангларда кўрсатган шундай жасорати туфайли Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлади, «Олтин Юлдуз» ордени билан тақдирланади. Ҳар қанча уринишмасин фашист мерганлари уни тутишга

ТАРИХ

Бобурнинг сиёсий майдонга чиқиши отасининг ўлими билан боғлиқ бўлиб, султон Умаршайх Мирзо Ахсида бевақт, 39 ёшида фожиали ҳалок бўлади. Табиийки, ўша пайтдан бошлаб тахт учун турли шахслар ўртасида курашлар олиб борилади. Бу ерда Бобурнинг биринчи стратегик ютуғи унинг Самарқанд тахтини эгаллашида эди. Оиланинг катта фарзанди бўлиши 12 ёшли Бобур ўзининг зеҳну заковати ва довюраклиги сабаб, асосий душманлари саналган Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмудхон ҳужумларини даф қилиб, валиаҳд сифатида 1494 йил июнда салтанат тахтига ўтирди.

МАРД ВА ТАДБИРКОР БОБУР



Темурийлар давлати заволга юз тутишни бошлаб, Мухаммад Шайбонийхон салтанат тахтини эгаллаш учун сиёсий майдонга чиққанда, Бобур бу каби хавфли душманлардан эртароқ қутулиш лозимлигини ўз вақтида англаб етади. У ўз ҳарбий-сиёсий фаолиятида уч марта Самарқанд тахтини қўлга киритган. Хусусан, У Мухаммад Шайбонийхон ҳақида: «Хожа Абулмакоримнинг тавассути била бу сўзни орага солдимки, Шайбоқхондек ғаним пайдо бўлбур, мунинг зарари туркка ва мўғулга мусовидур. Мунинг фикрини ҳололиқтаким, улусни ҳануз яхши босмайдур ва кўп улғаймайдур, қилмоқлик вожибдур», дейди.

Шайбонийхон салтанат тахтини эгаллаш учун 1501 йилда иккинчи бор Самарқандни қамал қилганда, Бобур Самарқандда эди. Унинг ораси Хонзодабегим Шайбонийхонга никоҳланишга розилик бериш шарти билан ўқаси Бобурнинг шикастсиз Самарқанддан чиқиб кетишини таъ-

минлашга эришади ва Бобур ҳам ноилож бунга рози бўлади. Лекин мана шу ерда Бобурнинг тўғри, тезкор-стратегик қарор қабул қилиш ҳамда вазиятни объектив баҳолай олиш қобилиятига тан бериш ўринлидир. Хусусан, Бобур ушбу қарор билан қуйидаги ютуқларга эришди ва янги сиёсий марраларни забт этишда ўзига йўл очди:

биринчидан, Бобур жанг қилиш йўлини тутганда, ҳалок бўлиши мумкин эди ва бу билан унинг сулоласи ҳам тарих саҳифасидан ўчириларди. Оила аъзоларининг кейинги тақдир эса аянчи тарзда аяқланиши ҳақиқатга яқинроқ эди.

Иккинчидан, Шайбонийхон ўз сўзида турди ва Бобурнинг ораси Хонзодабегимга иззат-ҳурмат кўрсатиб, уни ўз никоҳига олди ва натижада Хонзодабегим салтанат маликасига айланди. Қўтлуғ Нигорхоним эса умрининг охиригача омонликда яшади.

Учинчидан, Бобур Самарқандни тарафдорлари билан бирга тарқ этishi билан, ҳокимиятни қайтариб олиш

учун янги куч тўплашга имконият туғилди. Самарқанд тахтини эгаллаш учун сўнги уриниш ҳам муваффақиятсиз чиққани сабабли, Қобулга кетишга мажбур бўлди. Бобур кейинчалик Ҳиндистонга ҳарбий юриш қилди ва Бобурийлар империясига асос солди.

Юқоридаги мулоҳазаларга таянган ҳолда шунга айтиш мумкинки, Бобурнинг керакли пайтда тўғри қабул қилган битта қарори бутун бир давлат тузилиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилди.

1526 йил 21 апрелда 43 ёшли Бобур қўшини (12 минг аскар) билан Деҳли султони Иброҳим Лўдий қўшини (100 минг жангчи ва жанговар филлар) ўртасида Панипат яланглигида жанг бошланади. Ушбу жангда Лўдийлар қўшини Бобур армиясига қарши жанговар филлардан фойдаланган. Мазкур ҳарбий амалиётни ҳозирги кундаги танклар билан тенглаштириш мумкин. Шунга қарамасдан, Бобур ушбу жангда ўзини йўқотиб қўймади. Зудлик билан «Бобурнома»да «Фаранги» номи билан келтирилган артиллерия қурилмасини қўллашга буйруқ берди. Хусусан, мазкур жанг учун Бобур пухта тайёргарлик кўришга ҳам улгурганди, яъни «Бобурнома»да устод Алиқули номи билан тилга олинган тўпчи уста ясаган артиллерия қурилмаси жангга шай қилинганди.

Бобур ушбу жангда ҳозирги кундаги «бронетранспортёр»ларни ҳам қўллаган. Қандай қилиб дейсизми? Бобур ҳўкиларнинг хом терисидан эшилган арқонлар билан бир-бирига маҳкам боғланган 700 та аравани жангга ташлаган. Туфакандозлар (ўқчилар) эса аравалар орасига ўрнатилган қалқонлар воситасида ҳимояланиб, душманни аёвсиз ўққа тутганлар. Кўриниб турибдики, аравалар ҳозирги зирхли машиналар вазифасини бажарган. Натижада туфак ва замбарак ўқларидан ярадор бўлган филлар

филбонларини йиқитиб, пиёдаларни янчиб ортага қайтган. Бу жангда Султон Иброҳим Лўдий ва тахминан 50 минг хинд жангчиси ҳалок бўлган. Шундан сўнг Бобур Деҳли ва Аграга забт этиб, Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар давлатига асос солди.

Бир неча мuddат олдин подшоликни Ҳумоюнга топширган Бобур 1530 йил, 47 ёшида ўзи асос солган салтанат пойтахти Аграда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди, кейинчалик (1539 йил) ўз васиятига мувофиқ, хоки Қобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган «Боги Бобур»га қўйилди.

Захириддин Мухаммад Бобур Ҳиндистонни истило қилган бўлса-да, қўглаб Ҳинд сиёсатчилари уни ижобий фикрлар билан ёдга олади. Ҳиндистоннинг донишманд фарзанди, буюк давлат арбоби Жаҳоирлаъл Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг очилиши» ва «Жаҳон тарихига бир назар» асарларида Бобур ҳақида ҳам симирияга тўлиқ қуйидаги фикрларни изҳор этган:

«Бобур – дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунаси. У мард ва тадбиркор одам бўлган. Бобур ўта маданиятли ва жозибали инсонлар орасида энг етуқ инсонлардан бири эди. У маъхабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди... Бобур янаёт ва айниқса, адабиётни севарди».

Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрини кезган ва «Лаълбоғ-қалъа» тарихий музейида бўлган адиб Камчибек Кенжа «Андижондан Даккагача» номи сафарномасида ҳаяжонини яшира олмай: «Ҳиндистон ва Покистон шаҳарларида кўп мюзийгоҳларда, жумладан, Ҳайдарободдаги машҳур Соларжанг, Лоҳурдаги миллий музейларда бўлган эдик. Лекин Шарқ оламининг олис бир четида Бобурийлар ҳаёти, уларнинг подшолик фаолиятига оид ягона, махсус музейни кўрамай, деб сира ўйламагандик», деб ёзади.

Майор Воҳид ПРИМОВ,
катта лейтенант Баҳриддин ГИЁСОВ

ЁШЛАР

Буюк Британиянинг «Скаутлар» умумжаҳон ўсмирлар ҳаракати – ҳарбий-сиёсий характердаги болалар ташкилоти 1920 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 200 мамлакатда 40 миллиондан ортиқ ёшларни ўз ичига қамраб олган.

«Скаутлар»нинг асосий мақсадлари:

– ҳақиқий ватанпарвар, масъулиятли, муносиб, миллий фикрловчи, ақлий ва жисмонан ривожланган фуқароларни тарбиялаш;

– ёш авлодни тўлақонли жисмоний, ақлий, ижтимоий ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқаришини ривожлантириш;

– ёш авлодни қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида ўзининг вакилларини давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш.

Польшанинг «Харцерлар» уюшмаси – мамлакат ёшларининг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбияловчи миллий скаутлар ташкилоти ҳисобланади. У 1944 йил 30 декабрда ташкил топган бўлиб, ҳозирда унга 110 мингдан ортиқ ёшлар аъзо.

«Харцерлар»нинг асосий мақсадлари:

ЕТАКЧИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида тарбиялашнинг илғор тажрибалари

– ёшларни садоқат, маданият, бағрикенглик ва тинчлик ўрнатиш анъаналари, билимга астойдил интилиш, ўз-ўзини такомиллаштириш;

– Ватан тарихи, мамлакатнинг бугуни ва келажги учун юқори масъулият ҳиссида эга ҳамда ёт го-



ялар таъсирини тушиб қолмайдиган ватанпарвар ва комил инсон қилиб тарбиялаш.

«Юнармия» – Бутун Россия болалар-ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик жамоат ҳаракати, 2016 йил январь ойида ташкил этилган.

«Юнармия»нинг асосий мақсадлари:



– Россия Федерацияси давлат ёшлар сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

– болалар ва ўсмирларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий ва жисмоний камолга етишларида индивидуал талабларини қондириш;

– жамятда ҳарбий хизмат обрўйи ва нуфузини ошириш;

– ватанпарварлик анъаналарини сақлаш ва янада кўпайтириш;

– ёшларда Ватанни ҳимоя қилишда фуқаролик ва конституцион бурчини бажариш учун шайлик ва амалий қобилиятини шакллантириш.

Қозғистоннинг «Жас Улан» бирлашган болалар ва ўсмирлар ташкилоти – ёш авлодни қозоқ ватанпарварлиги руҳида юксак

ахлоқий ва маънавий қадриятлар, бағрикенглик тамойиллари, демократия ва тушуниш маданиятига асосланган ҳолда тарбияладиган ташкилот ҳисобланади.

«Жас Улан»нинг асосий мақсадлари:

– ёш авлоднинг маънавий потенциалини Қозғистон халқининг тарихи, маданияти, тилини билиш асосида шакллантириш;

– ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, когнитив фаолликни рағбатлантириш, турли болалар ижоди ва ижтимоий ташаббусларини ривожлантириш;

– болалар жамоат ташкилотининг мақоми ва нуфузини, мактаб ҳаётидаги болаларнинг ижтимоий ташаббусларини ошириш;

– ташкилот ҳар бир аъзосининг муваффақиятли ижтимоийлашуви ва ўзининг ижодий қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш.

Подполковник
Сардор АБДУСАМАТОВ

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ҲРИИДА

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ИЖОБИЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА

« Мамлакатимизда дастлабки кундан бошлаб коронавирусга қарши мустаҳкам тўсиқ ўрнатишга ҳаракат қилинди. Пандемия тарқалишининг олдини олиш, инсон ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Юзага келган мураккаб шароит ҳисобга олинган ҳолда миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилаётир. Карантин эълонидан кейин оммавий тадбирлар бекор қилинди. Жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди. Аммо ҳаёт тўхтагани йўқ. Ўз вақтида тезкор қабул қилинган чора-тадбирлар туфайли у янги шароитларга мослашган ҳолда давом этмоқда.



Хусусан, эндиликда автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда ҳам масофавий (онлайн) усулда ўқитиш йўлга қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги Чуст тумани ўқув-спорт техника клубида ҳам назарий машғулотлар масофадан (онлайн), амалий машғулотлар эса санитария талабларига қатъий риоя қилинган (тиббий ниқоб ва қўлқопдан фойдаланилган, энг муҳими, ўқув автомобиллари дезинфекцияланган) ҳолда ташкил этилмоқда.

– Ташкилотимиз жамоаси ўз фаолиятини карантин талаблари асосида ташкил этиб, санитария қоидаларига риоя қилган тарзда ўқув жараёнларини амалга оширмоқда, – дейди туман ЎСТК бошлиғи Тоҳиржон Тошматов. – Ўқув биносига кириш йўлагига дезинфекция туннели ўрнатилди. Амалий машғулотларга келаётган ҳар бир тингловчи ва ходимларнинг тана ҳарорати ўлчанмоқда. Ўқув автомобиллари машғулотлар олдида ҳамда ундан сўнг дезинфекция қилинмоқда.

«Telegram» ижтимоий тармоқларида очилган саҳифалар, гуруҳлар ва бошқа тизимлар орқали онлайн тарзда мулоқотга киришиб, тегишли мавзуларда бўлажак ҳайдовчиларга топшириқ ва маслаҳатлар берилмоқда. Шунингдек, «Йўл ҳаракати қоидалари», автомобиль тузилиши, уларни хавфсиз бошқариш асослари ва бошқа мавзуларда тайёрланган видеоматериаллар, аудио, медиақўлланмалар ҳамда соҳага оид китоблардан кенг фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, ЎСТК жамоаси томонидан ёшлар қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш ва мустаҳкамлаш борасида карантин талаблари доирасида муҳим аҳамият касб этадиган ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йил ЎСТК спортчилари учун ғоятда муваффақиятли келди. Масалан, вилоятимиз терма жамоаси, яъни клубимиз аъзолари 2019 йилнинг сентябрь ойида Қозоғистон Республикасининг Бойканур шаҳрида ракетамодел спорт тури бўйича ўтказилган жаҳон кубогида 1-ўринни эгаллаганликлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

ЎСТКда жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 300 нафар «В», «ВС», «Е» тоифали ҳайдовчилар тайёрланди. Карантин шароитида ташкил этилаётган масофадан ўқитиш жараёнлари Чуста ҳам ўз самарасини бериши шубҳасиз. Чунки бу ерда ҳам барча жараёнлар санитария талаблари асосида ташкил этилган.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ



«Ватанпарвар» ташкилоти Чуст тумани кенгаши ўқув-спорт техника клуби тумандаги ҳайдовчилик касбини эгалламоқчи бўлган барча ёшларни «В», «ВС» ҳамда «Е» тоифали ҳайдовчилик ўқув курсларига таклиф этади. Назарий машғулотлар масофадан туриб (онлайн) ўқитиш орқали амалга оширилади. Амалий машғулотлар эса санитария талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилади.

Манзил: Чуст шаҳри, Олмос кўчаси, 87-уй.

Мурожаат учун телефон: 90-640-19-05.

Хизматлар лицензияланган.

МУДОФААГА ҚЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА УРНИДА

“ Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги Тўрақўрғон тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси ҳам ўз фаолиятини карантин талаблари асосида ташкил этиб, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда ўқув жараёнларини амалга оширмоқда.

– Ташкилотимиз тизимида ҳам янги босқичга қадам қўйилди, – дейди туман ЎСТК бошлиғи Одилжон Жўраев. – Натижада қатор қулайликларнинг гувоҳи бўляпмиз. Чунончи, масофавий таълимда ўз-ўзидан давомад масалалари «барҳам» топиб, ўқитувчиларнинг асосий кучи билим беришга йўналтирилади. Бўлажак ҳайдовчилар эса фақат билим олиш, ўз устида ишлаши талаб этилади. Лекин ушбу таълимнинг ҳам камчиликлари борлигини инкор этиб бўлмайди. Хусусан, бу жараёнда интернетга уланишда узлишлар кузатилиши мумкин. Шунинг учун «Telegram» ижтимоий тармоқларида очилган саҳифалар, гуруҳлар ва бошқа тизимлар орқали онлайн тарзда мулоқотга киришиб, тегишли мавзуларда тингловчиларга дарс машғулоти ва мавзуларга оид топшириқлар бериб борилмоқда. Бундан ташқари, компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш орқали тингловчиларга назарий машғулотларни олиб боришда янги инновацион технологиялардан фойдаланиш масалаларига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Натижада бўлажак ҳайдовчилар учун масофадан ўқитиш бўйича қўшимча машғулотлар ташкил этилмоқда.

«Наманганнинг фаол, меҳнатқаш, илмли халқи яхши яшашга муносиб». Президентимизнинг ушбу эътирофи ҳар бир наманганликнинг қалбига ғурур бағишлайди. Шу боис ҳам бу эътирофдан руҳланган ЎСТК жамоаси ҳам айна пайтда ташкилотда ўқитиш жараёни билан бир қаторда, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол шахслар этиб тарбиялаш ишларини самарали равишда олиб бормоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасидаги тадбирлар ҳам масофадан олиб бориляпти. Ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказишда соғлом рақобат муҳитини яратиш шулар жумласидандир.

Айна пайтда ЎСТКда «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилар масофавий таълим асосида тайёрланмоқда. Машғулотларнинг карантин қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этилишига катта эътибор қаратилган.

А. АЛЛАМУРДОВ



Турақўрғон тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси тумандаги барча таълим олишни хоҳловчиларни автомобиль бошқаришнинг «В», «ВС» тоифали ўқув курсларига таклиф этади.

Назарий ўқув машғулоти масофадан туриб амалга оширилади.


Амалий машғулотлар эса дезинфекцияланган ўқув автомобилларида санитария-гигиена талаблари асосида олиб борилади.

Манзил: Тўрақўрғон шаҳри, «Тошкент» маҳалласи, ЎСТК биноси.

Мурожаат учун телефонлар: 0-369-44-21-463, 97-770-61-67.

Хизматлар лицензияланган.

АЛОҚАЧИ АСКАРЛАР БИЛАН ИЛК МАШҒУЛОТЛАР



дала алоқа тугунларига барча турдаги маълумотларни узатиш, қабул қилиш, бўлинмалар билан аудио ва видеоалоқа ўрнатиш каби кўргазмали машғулотлар намойиш этилди.

Ўқув машғулоти давомида йигитлар мутахассис ҳарбий алоқачилардан дастлабки маълумотларни олдилар. Ўқув машғулотлари домида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий алоқачилари билан радиоалоқа машқлари ҳам бўлиб ўтди.


Ҳарбий округ миқёсидаги барча тадбирларда карантин қоидаларига қатъий риоя этилмоқда.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати



Нукус гарнизонидаги алоқачилар ҳарбий қисмида замонавий алоқа воситалари ва тизимларидан фойдаланиш, уларни қўллаш ва қўшинлар бошқарувини таъминлаш бўйича амалий машғулот ўтказилди.

Подполковник Бахтиёр Маҳмудов раҳбарлигида ўтказилган ўқув машғулотларида яқинда жанговар сафларга қўшилган аскарлар учун дала шароитида ахборот-коммуникация мажмуаларидан фойдаланиш, радиорелей линияларини боғлаш, симсиз телефон тармоқлари билан кенг кўламли симсиз уланишни қўллаш ва



РОССИЯ ФЛОТИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА



«Севмаш» корхонаси иккита «Воронеж» ва «Владивосток» сув ости кемасини куришни бошлади. Улар гипертовушли қуролларни олиб юришга қодир бўлади, деди завод бош директори Михаил Будниченко. У иш бошлангани ҳақида видеоалоқа орқали Президент Владимир Путинга ахборот берган. Бу вақтда Россия Президенти Керчда яна иккита ҳарбий кема қурилишига старт бераётган эди. Путиннинг таъкидлашича, янги атом сув ости кемалари Россиянинг жанговар қудратини мустаҳкамлайди.

БАА «УМИД»И МАРСГА УЧИРИЛДИ



Бирлашган Араб Амирликлари муҳандислари яратган «Умид» космик зонди Н-ІІА ракета-ташувчида Япониянинг Танегасима оролидан коинотга учирилди. Парвозга БАА вақти билан 20 июль соат 01:58 да старт берилган.

Амирлик ҳукумати таъкидлаётган Марсга уюштирилган илк араб миссияси, тўлалигича араб олимлари ва муҳандислари томонидан ишлаб чиқилган. Режага кўра, зонд Қизил сайёрага 2021 йилда етиб боради.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ГАРОВДАГИЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ



Украинанинг Луцк шаҳрида йўловчи автобусини ичидаги одамлари билан гаровга олган шахс қўлга олинди. Мамлакат

ички ишлар вазири Арсен Аваков Твиттердаги саҳифасида «Луцк. Ҳамма омон», деб ёзди. Полиция маълумотига кўра, муқаддам бир неча бор судланган, 45 ёшли Украина фуқароси Максим Кривош бирор аниқ талаб қўймаган. У ижтимоий тармоқларда ўзини анархиячи ва тизимга қарши курашувчи сифатида таништирган.

ИХТИРО

НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА

Биринчи марта содир бўлган




Парашют ёрдамида сакраган биринчи инсон франциялик Андре-Жак Гарнерен бўлиб, бу воқеа 1797 йилнинг 22 октябрида Париждаги Монсо парки устида содир бўлган. Гарнерен 2 230 фут баландликдаги ҳаво шаридан сакрашни амалга оширган. У фойдаланган парашют диаметри 23 футли пишиқ оқ матодан тайёрланган катта соябон кўринишида бўлган. Парашют ҳаво шарининг одамга мўлжалланган гондоласи (кажаваси) остига боғланган бўлиб, Гарнереннинг ана шу кажавага жойлашган акаси кераклик вақтда парашютни ҳаво шари билан боғлаб турган арқонни кесиб юборган.

Парашютнинг юқори (гумбаз) қисмида ҳеч қандай тўйнуқ бўлмаганлиги сабабли Гарнерен пастга тушгунича соат маятниги сингари тебранавериб, «ҳаво касали»ини орттириб олган биринчи инсонга ҳам айланган. У иккинчи марта сакрашни амалга оширганида эса парашютда махсус тўйнуқ қилинганни учун бундай кўнгилсизлик қайта юз бермаган.

Деярли замонавий типдаги сумкали биринчи авиацион парашют



Ранговий парашют РК-1 Г.Е. Котельникова (1911 г.)



рус ихтирочиси, драма театри актёри Глеб Котельников (1872 - 1944) томонидан яратилган.

Бу ихтирога унинг ўзи гувоҳ бўлган бахтсиз ҳодиса

сабаб бўлган. 1910 йилнинг 6 октябрида учувчи Мицевич осмонда пилотаж фигураларини бажариш вақтида омма кўз ўнгига самолёт кабинасидан чиқиб кетган ва ҳалок бўлган. Бу воқеадан сўнг Котельников учувчилар учун хавфсиз восита яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун актёр турли материаллардан фойдаланишга уриниб кўрган ва охири тоза ипақдан тайёрланган матони танлаган. Кўплаб тажрибалар самараси ўлароқ, у парашютнинг энг оптимал шаклини топади, шунингдек, осма арқонларни икки қисмга ажратади, бу эса парашютнинг тушиш вақтидаги айланишларига чек қўяди ва парвозни бошқариш имконини яратади.

Америкалик капитан Альберт

Берри самолётдан парашют билан сакраган биринчи инсон ҳисобланади. 1912 йилнинг 1 мартада у Энтони Жениус бошқарувидаги самолётда осмонга кўтарилиб, 1 500 фут баландликдан сакраган. 400 футга яқин масофани эркин тарзда учиб ўтган Берри парашютни очиб юборган ва ўзи хизмат қиладиган ҳарбий қисмининг машқ майдонига кўнган.

Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш усулида фаолият юритувчи дастлабки 2 та дўкон 1912 йилда Калифорнияда очилган. Тахминан ўша вақтларда «Бэй Ситиз Меркентайл Ко.» фирмаси шу типдаги 6 та дўкондан иборат бўлган Humpty Dumpty Stores номли савдо тармоғини ишга туширган.

Замонавий кўринишдаги биринчи супермаркет америкалик Кларенс Саундерс томонидан 1916 йилда Мемфис шаҳрида очилган. Piggly Wiggly деб номланган мазкур савдо маркази айлануви эшиклар ва касса тизимига эга бўлган. Бу гоё тезда муваффақият қозониб, кейинги 7 йил мобайнида Саундерс АҚШда 2 800 та дўкондан иборат бўлган катта савдо тармоғи соҳибига айланган.

Катта ўлчамли биринчи супермаркет (умумий майдони 12 минг квадрат фут) «Кинг Куллен» номи остида 1930 йилнинг 2 августидан Нью-Йоркда очилган.



Биринчи дўкон аравачаси Оклахома-Ситидаги Humpty Dumpty супермаркети директори Сильван Голдман томонидан яратилган. Аравачанинг дастлабки прототипи ғилдиракли йиғма стул асосида тайёрланган бўлиб, унда ўриндик ўрнига 2 та симли саватча жойлаштирилган.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ҚИЗ ҚОТИЛЛАРИНИ ОТИБ ТАШЛАДИ



Афғонистоннинг Гор вилояти қишлоқларининг бирида «Толибон» жангарилари 14 ёшли Қамар Гул исмли қизнинг ота-онасини ўлдиришган, деб маълум қилди маҳаллий полиция бошлиғи «Франс Пресс» агентлигига. Воқеа устида бўлган қиз уйдан оиласига қарашли АК-47 автоматини олиб, «Толибон»нинг 2 жангарисини отиб ташлаган, бир нечасини жароҳатлаган. Афғонистон ҳарбийлари Гул ва унинг укасини хавфсиз жойга етказган.

ЯНГИ ЧЕКЛОВЛАР



Туркменистонда юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида қатор янги чекловлар жорий қилинмоқда, деб хабар тарқатди Туркменистоннинг Ориент янгиликлар сайти. 21 июлдан 1 августгача тозалик тадбирларини ўтказиш учун йирик бозор ва савдо марказлари фаолиятини тўхтатади. Шу билан бирга, жойлардаги озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж маҳсулотлари бўлимлари ишлайверади. Мулкчилик шаклидан қатъи назар ишчиларини босқичма-босқич меҳнат таътилига чиқариш тавсия қилинди.

2 ОЙДА 41 КИШИ ЧЎҚДИ



Тожикистонда 20 июль кўнига қадар икки ой мобайнида мамлакат сув ҳавзаларида жами 41 киши чўкиб кетган. Бу ҳақда Тожикистон фавқулудда вазиятлар қўмитасига таяниб Азия-Плюс хабар бермоқда. Мамлакатда ҳар йили чўмилиш мавсумида ўртача 130-150 нафар одам ҳалок бўлади. Тожикистон ФВҚ берган хабарга кўра, ўтган йил 1-21 июнь оралиғида 40 нафар одам чўкиб кетган. 2019 йил чўмилиш мавсумида эса жами 141 нафар одам сувга чўкиб ўлган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

МИНТАҚАДА

АНЖУМАН

ИЛМИЙ ИШЛАР ДОИРАСИДАГИ СЕМИНАР



Қуролли Кучлар академиясида илмий ишлар доирасида амалий семинар ўтказилди. Унда Қуролли Кучлар Бош штаби бошқармаси, Тошкент ҳарбий округи бошқарув аппарати, Қуролли Кучлар академияси ҳарбий илмий-тадқиқот институти вакиллари, профессор-ўқитувчилари таркиби ҳамда тингловчилар иштирок этди.

Қуролли Кучлар академияси бошлигининг инновация ва илмий ишлар бўйича ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор подполковник Рустам Самаров кириш сўзида илмий семинар Марказий Осиё минтақасида ҳарбий-сиёсий вазиятнинг Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлашга таъсири; замонавий қуролли можароларда хорижий давлатларнинг махсус операция кучлари бўлиминининг жанговар қўллаш таҳлили; Ўзбекистон Республикаси махсус операция кучлари бўлиминларини келгусида ривожлантириш йўналишидаги муаммоларни ўрганиш каби мақсадларни қамраганини таъкидлади. Ушбу мавзулар бўйича масъул офицерлар ўзларининг амалиёт билан ўйгунлашган маърузалари билан иштирокчиларни таништириб ўтди.

Маърузалар якунида ҳар бир мавзу бўйича муҳокамалар асосида керакли таклиф ва тавсиялар берилди.

Абдулла ЎКТАМҚУЛОВ

ТАНЛОВ

Ғолиблар аниқланди

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ миқёсида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» анъанавий ватанпарварлик кўшиқлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

COVID-19 пандемияси тарқалишининг олдини олиш бўйича мамлакат бўйлаб олиб борилётган кескин кураш ва жиддий карантин қоидалари жорий этилгани боис, бу йилги кўрик-танлов ўзгача тартибда, яъни муҳлис-ларсиз ўтказилди.

Саф, эстрада ва лирик кўшиқлар йўналишлари бўйича ўтказилган кўрик-танловда жами 9 нафар ҳарбий хизматчи ўзаро беллашди.

Иштирокчиларни баҳолаш ижрочилик маҳорати, кўшиқ матни ва бадиий савияси, мусиқа ва кўшиқнинг мазмуни танлов мақсадида мослиги, ижрочиларнинг сахнадаги маданияти каби мезонлар бўйича амалга оширилди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, саф кўшиқлари йўналиши бўйича Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестрининг мусиқачилари кичик сержант Фаррух Одинаев ва контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Нодир Анорбоев томонидан жуфтликда ижро этилган «Қасамд» кўшиғи биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Эстрада йўналишида кичик сержант Акбарали Зинатуллаев томонидан ўзгача талқинда, яъни рэп жанрида айтилган «Ватаним» кўшиғи юқори баҳоланди.

Лирик кўшиқлар йўналишида бир неча мартаба юксак натижаларни эгаллаб келаётган кичик сержант Анвар Худойбергенов томонидан куйланган «Ватан – саждагоҳим» кўшиғи ғолибликни олиб берди.

Ғолиблар диплом билан тақдирланиб, кўрик-танловнинг кейинги босқичи, яъни Мудофаа вазирлиги кўшинлари миқёсида ўтказиладиган финалда иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритишди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати



ОГОҲЛИК

Зилзила содир бўлганда

шахсий таркиб қандай ҳаракатланиши лозим?

Муҳофаза сиёсатини юритиш замон тақозоси бўлиб, дунёда рўй бераётган табиий офатлар, ҳалокатлар ва турли авариялар муҳофаза тизимини яратиш ва уни таксимлаштириб боришни талаб этмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Ер юзи аҳолисининг 5 фоизи (ҳар 20 кишидан бир нафари) табиий офат, авария, ҳалокатлардан (яъни фавқулодда вазиятлардан) жабрланган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, бизнинг минтақада 7 хил фавқулодда вазият турлари тасдиқланган. Зилзила, ер сурилиши асосий табиий офат турига киради. Юртимизда асосий зилзила бўлиш хавфли ҳудудларига Чотқол-Курамин блоки (Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятлари – 8-9 балл); республиканинг жанубий қисми (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари – 7-8 балл); республиканинг марказий қисми ва Помир-Гандикуш блоки (Самарқанд ва Жиззах вилоятлари трансчегаравий зонаси – 7-8 балл) киради.

Шахсий таркибни бўлажак зилзила ва унинг оқибатларидан ҳимоя қилиш учун аввало хавфли жойдан кўчириш (эвакуация) режасини ишлаб чиқиш; бино ва иншоотларнинг хавфсиз жойларини аниқлаш; бинодан чиқиш жойларини тўсиб қўймаслик; енгил алангаланувчи ва бошқа хавфли моддаларни тўғри сақлаш; иш (хизмат) жойларида керакли дори-дармонларни сақлаш зарур.

Зилзила хавфи ҳақида олдиндан огоҳлантирилса, ҳамма ишлар тўхтатилиб зуд билан электр токи, газ ва сувни ўчириш, керакли ҳужжатлар, кийим-кечак, озроқ озиқ-овқат захираси, дори-дармон олиш ва бинодан чиқиш, хавфсиз жойга бориб туриш керак. Чиқиш кетишининг илжои бўлмаса, саросимага тушмай, зилзила тугашини кутиш (2-3 дақиқагача давом этади); юқори қаватларда асосий девор олди ва улардаги эшик ўрнида туриб дераза ойнаси, ёриткич ва бошқа бўлақлардан эҳтиётланиш лозим.

Зилзиладан кейин ваҳима қилманг, югурманг, хотиржамликни сақланг, шикастланиш ёки ёнғин каби ҳолатлардан ташқари тилефондан фойдаланмаслик лозимлигини эсдан чиқарманг. Газ чиқиш хавфи йўқлигига ишонч ҳосил қилмагунча олов ёқманг.

Марказий Осиё республикалари юқори сейсмик зонада жойлашган. Бу ҳудудда бир неча марта кучи 9-10 баллгача бўлган зилзилалар кўзатишган. Олма-ота, Тошкент, Душанбе, Бишкек ва Ашхобод юқори сейсмик хавф-хатар мавжуд бўлган зоналарга тўғри келади. Бу шаҳарларда вайронагарлик келтирувчи зилзилалар содир бўлиши мумкин.

Н. СМАЙЛОВ,

Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси Жаёт фаолияти хавфсизлигини ўқитиш маркази катта ўқитувчиси

«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Инновацион усулдаги машғулотлар

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфида 12 та ўқув-спорт техника клублари ҳамда техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Улар ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ватанга муҳаббат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини синдириш; спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ва оммалаштиришни таъминлаш, спорт ташкилотлари ва жамоалари фаолиятига кўмаклашиш; болалар, ўсмирлар ва чақирувгача бўлган ёшлар ўртасида оммавий спорт ишларини ташкил этиш ва ўтказиш каби қатор йўналишлар бўйича фаолият олиб бормоқда.

«Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган уч ўлчамли анимация эффектлари ва видеоконтентга эга кўринишдаги электрон ўқув қўлланмаларидан таълим олаётган ҳайдовчиликка номзодлар учун интернет тармоғига улан-

ган ёки бепул WiFi зоналар ташкил қилинган.

Наманган вилояти кенгаши тизимидаги ўқув муассасаларининг автомобиллар саройини замонавий техникалар билан бойитиш мақсадида «Ласетти» А/Т, «Кобальт» А/Т, «Нексия-3», «Матиз», «Дамас» ва «Спарк» русумли енгил автомобиллар, шунингдек, юк машиналари сотиб олиниб, фойдаланиб келинмоқда.

Ҳозирги карантин даврида кенгаш тасарруфидаги ўқув муассасаларида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш фаолияти санитария талабларига қатъий риоя қилинган тарзда олиб борилмоқда. Назарий машғулотлар онлайн тартибда янги «АИС-Ватанпарвар» инновацион электрон дастуридан фойдаланган ҳолда ўтказилмоқда.

А. АЛАХОДЖАЕВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти
Наманган вилояти кенгаши раиси

БУ ҚИЗИҚ!

ИЮЛЬ ОЙИДАГИ МУҲИМ САНАЛАР



20 июль – Халқаро шахмат кuni. Бутун дунё 1966 йилдан буён 20 июль санасини Халқаро шахмат кuni сифатида нишонлаб келади. Ушбу байрам FIDE – Жаҳон шахмат федерацияси томонидан ташкил этилган. FIDE халқаро нодавлат спорт ташкилоти бўлиб, у турли мамлакатларнинг миллий шахмат ассоциацияларини бирлаштиради. FIDE фаолияти дунё миқёсида шахматни ёйиш ва ривожлантиришга, ташвиқот ҳамда шахмат даражаси ва билимини оширишга қаратилган.

Айтганча, ўйин номи форс тилидан «шах мат» – «хукмдор ўлди» деган маънони билдиради. Шахматнинг ватани – Ҳиндистон. Шахмат ўйнаш инсонда хотира, ақлий қобилият, ижодий ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам беради, деб ҳисобланади. FIDE маълумотларига кўра, бугунги кунда шахмат дунёнинг 107 мамлакатида спорт тури сифатида тан олинган.



22 июль – Халқаро бокс кuni. Спортга бағишланган халқаро саналар рўйхати 2017 йилда яна бир байрам билан тўлдирилди. 2018 йилдан бошлаб Халқаро бокс кuni ҳар йили июлнинг 22 санасида нишонлаб келинмоқда. Бокс мусобақаларининг дастлабкиси милoddан аввалги учинчи минг йилликка тўғри келади.

У эрамыздан аввалги 688 йилда муштли жанглр сифатида Олимпия ўйинлари дастурига киритилган. Бокснинг замонавий шакли XVIII асрда Англияда пайдо бўлган. 1920 йилда Олимпия спортлари рўйхатига кирган.

23 июль – Бутунжаҳон китлар ва дельфинлар кuni. Ушбу сана китлар 200 йил шафқатсизларча қириб ташланаверганидан сўнг Халқаро китлар комиссияси томонидан уларни овлашга тақиқ қўйиш мақсадида 1982 йилда ташкил этилган. Бу тақиқ ҳамон ўз кучида ҳамда дунё бўйлаб китлар ови, шунингдек, кит гўшти савдосига қарши курашни англатади. Бироқ кит ови бу ҳайвонлар учун ягона хавф эмас. Китлар, дельфинлар ва бошқа денгиз сүтэмизувчиларининг йўқ бўлиб кетишининг яна бир муҳим омили уларнинг дельфинариумлар, аквариумлар ва циркларга жалб этилишидир. Шунинг учун бугунги кунда ушбу сана нафақат китлар, балки барча денгиз сүтэмизувчилари учун ҳам ҳимоя кuni ҳисобланади.

Ҳар йили бу кунда табиатни муҳофаза қилиш гуруҳлари ва ташкилотлари китлар ва бошқа денгиз сүтэмизувчиларини ҳимоя қилиш учун турли акциялар ва намоишлар ўтказадилар. Ушбу кун Россия давлати учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки китлар, дельфинлар ва бошқа денгиз ҳайвонларининг ўнлаб тури Россия Федерацияси денгизларида яшайди. Уларнинг аксарияти йўқ бўлиб кетиш хавфи остида Россия Федерациясининг Қизил китобида ва Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқига киритилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, аксарият давлатлар Миллий кит кунларини алоҳида равишда белгиланган. Масалан, Австралия 2009 йилдан бошлаб Миллий кит кунини июнь ойининг биринчи шанбасида, Америка эса Бутунжаҳон китлар кунини 21 июнь санасида нишонлайди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу куннинг тadbирлари учун яна бир сана мавжуд – февраль ойида Бутунжаҳон денгиз сүтэмизувчиларини ҳимоя қилиш кuni нишонланади.



28 июль – Бутунжаҳон гепатитга қарши кураш кuni. Бу сананинг ташкил топиши гепатит В вирусини кашф этган Нобель мукофоти совриндори, америкалик шифокор Барух Самуэль Блумбергнинг таваллуд кuni билан боғлиқ.

Гепатит вируслари инсон саломатлиги учун асосий хавф омилларидан ҳисобланади. Гепатит бу – жигар тўқималарининг яллиғланиши. А, В, С, D ва E турлари деб белгиланган 5 та асосий гепатит вируслари мавжуд бўлиб, организмнинг инфекцияланган суяқлигидан ёки ифлосланган озиқ-овқат ва сувдан юқиши мумкин. Турли хил вируслар келтириб чиқарадиган гепатит ҳар хил йўллр билан юқади, аммо уларнинг барчаси жигарнинг ўткир ва сурункали яллиғланишига, бу эса баъзида цирроз ва саратонга олиб келади.

Шунинг учун Бутунжаҳон гепатитга қарши кураш кuni биринчи навбатда кенг жамоатчилик ва мутахассисларнинг эътиборини ушбу муаммога қаратишга, ҳар бир мамлакат фуқароларининг профилактика тadbирларини ўтказишга бўлган қизиқишини кучайтиришга қаратилган. Ҳар бир инсон томонидан гигиеник билимларни амалда қўллаш, А ва В гепатитига қарши эмланиш муҳимлигини эътироф этиш, шунингдек, эмлаш кампанияларида қатнашиш нафақат ҳар бир мамлакатнинг, балки бутун дунё аҳолисининг саломатлигини сақлашга ёрдам беради.




С. МАМИРЖОНОВА
тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Кишилар ўргатиб ўрганадилар.
* * *
Баъзи бир касалликларни беморга айтмай даволаган маъқул. Нима билан касалланганини билганидан кейин қанчадан-қанча беморлар вафот этган.
СЕНЕКА


БИЛАСИЗМИ?

Тибет тиббиётида нимани касалликлар дарвозаси деб аташади?



БИЛАСИЗМИ?

Мўғулистоннинг 1952 йилгача бўлган гербида 2 та жонзот тасвирланган. 1952 йилда қабул қилинган янги гербда жонзот битта қолган. Гербда нима ўзгарган?



КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

АрМИ – 2020
олдидан

Артиллерия
олови устаси

VATANPARVAR

Муассис:

Бош муҳаррир:
майор
Аҳрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВА

Саҳифаловчилар:

лейтенант
Рамиз ВАЛИЕВ

III даражали сержант
Олим БЕРДИЕВ

Мусахҳилар:

Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА
Муаттар МЕЛИЕВА

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юридик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган тахририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-762.
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 32 660 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума кuni чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ